БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 69 (560)

6 АПРЕЛЬ ЖУМА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Совет-Швеция ахбороти (1-нчи бет)

Совет Швеция ахбороти имзоланди (1-нчи бет).

Н. А. Булганин ҳузурида Швеция Бош Министри Т. Эрландер шарафига қабул маросими (1-нчи бет).

Швеция Бош Министри Т. Эрландер Москвадан жўнаб кетди (1-нчи бет).

Венгрия халқ республикаси элчихонасида қабул маросими (1-нчи бет).

К. Е. Ворошилов Чехословакия Республикаси Миллат мажлисининг делегациясини қабул қилди (1-нчи бет).

ҚАЙРОҚҚУМ ГЭС ҚУРИЛИШИДА: Сирдар'ё тўсилиш арафасида (1-нчи бет).

ОЛТИНЧИ БЕШИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИ—1956 ЙИЛ ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРАМИЗ (2-нчи бет).

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўплаб етиштирайлик, уларнинг таннархини камайтирайлик (3-нчи бет).

Чигит экиш бошланди (3-нчи бет).

Қуролсизланиш проблемасини ҳал этиш йўлидаги янги қадам (4-нчи бет).

А. И. Микояннинг келиши муносабати блан Ханойда митинг (4-нчи бет).

Фам Ван Донг ҳузурида А. И. Микоян шарафига қабул маросими (4-нчи бет).

Совет-Швеция ахбороти

Швеция Бош Министри Таге Эрландер жаноблари Совет Ҳукуматининг таклифига мувофиқ, шу йил 29 мартдан 4 апрелгача Москвада бўлди.

Бош Министр Т. Эрландер ва у блан бирга келган Ички ишлар министри Г. Хедлунд Москвада СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин блан, СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. С. Хрушчев блан, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва Ташқи ишлар министри В. М. Молотов блан, шунингдек Совет Иттифоқининг бошқа раҳбар арбоблари блан музокаралар олиб бордилар.

Бу суҳбатларда Швеция томонидан Швециянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Р. Сульман, Швеция Ташқи Ишлар Министрлиги Сиёсий Бўлимининг Мудири Элчи Г. Ярринг, Швециянинг СССРдаги Элчихонасининг Маслаҳатчиси Л. Петри, Бош Министрнинг шахсий секретари У. Пальме, Швеция Ташқи Ишлар Министрлигининг 2-нчи секретари Г. Лорентцон, пресс-атташе С. Фрикиус ҳам қатнашдилар.

Суҳбатларда совет томонидан СССР Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семёнов, СССРнинг Швециядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. К. Родионов, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Скандинавия мамлакатлари Бўлимининг Мудири М. Г. Грибанов, СССРнинг Швециядаги Элчихонасининг маслаҳатчиси Н. М. Луньков ва Маслаҳатчи А. М. Александров ҳам қатнашдилар.

Музокаралар вақтида ҳар иккала мамлакатнинг шу музокараларда қатнашган вакиллари, дастлаввал, Совет-Швеция муносабатлари масаласи юзасидан ва шунингдек ҳар иккала томоннинг манфаатларига тааллуқли бўлган умумий халқаро масалалар ҳақида очиқ ва фойдали фикр олишув имкониятига эга бўдилар. Музокаралар Швеция блан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни характерлайдиган дўстлик ва яхши қўшничилик руҳида ўтди.

Ҳар иккала мамлакатнинг ўзаро савдо алоқасини янада ривожлантиришдан манфаатдор эканлиги таъкидланди. Авариядан қутқазиш хизмати соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида 1954 йилда тузилган ва кейинчалик кенгайтирилган битим ҳар иккала мамлакат ўртасидаги яхши ҳамкорлик қилишнинг амалий формаларидаги намунаси қилиб кўрсатилди. Ҳаво алоқаси тўғрисида яқинда тузилган Совет-Швеция битими яқин келгусида Стокгольм блан Москва ўртасида бевосита ҳаво алоқаси ўрнатиш имконини беради.

Томонлар Болтиқбўйи Республикаларининг Совет Иттифоқига киришни блан боғлиқ бўлган ва ҳали ҳал этилмаган ба'зи ўзаро да'воларни 1941 йилдаги Совет-Швеция битимига мувофиқ суратда ҳал этиш тўғрисида музокаралар бошлаш юзасидан бир қарорга келганликларини таъкидладилар. Ана шу музокараларни бошлаш учун яқин келгусида Швеция делегацияси Москвага борати.

Сўнгра, музокаралар давомида шу нарса қайд қилиндики, кейинги вақтларда илмий ва маданий ҳамкорлик қувонтирадиган даражада кенгайди. Ҳар иккала томон ана шу ҳамкорликка катта аҳамият беради. Томонлар яқиллик блан шундай фикрни дадор қилишдики, балиий ансамбльларнинг, турли ихтисосларидаги техника экспертлари группалари ва делегацияларининг бир-бирларига бориб туришлари, спорт ва туризм соҳасидаги алоқалар ҳар иккала мамлакат халқи ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга ва ҳамжиҳатликни кенгайтиришга кўп даражада ёрдам бераолади. Ҳар иккала мамлакатнинг четэллар блан маданий ҳамкорлик қилиш масалалари блан шуғулланаётган давлат органлари бу соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга тегишли даражада ёрдам берадилар.

Маданий ва илмий алоқалар масаласи юзасидан дискуссия олиб борилган пайтда, жумладан, яқин вақт ичида қўйидаги конкрет проектлар амалга оширилиши лозим, деган битимга келинди: малакали илмий тадқиқот ходимларини, биринчи галда, медицина, табиий ва техника фанлари соҳасидаги малакали илмий тадқиқот ходимларини бир-бирларига юбориб туриш; шу блан бирга ходимларни қабул қилиб олучи мамлакат уларнинг ана шу мамлакатда бўлиши ва илмий ишлар блан шуғулланиши учун боғлиқ бўлган ҳаражатларни тўлайди; илмий ходимларнинг тегишли мамлакатдаги архив ва кутубхоналарга киришларига йўл қўйиш; ҳар иккала мамлакатдаги илмий ва маданий муассасалар ўртасида адабиёт ва китоблар айирбошлашни кенгайтириш. Швеция томони Совет Иттифоқида олий та'лимнинг ташкил қилинишини ўрганиш учун экспертлар делегациясини юборишни истаганлигини билдирди. Совет томони Швецияда техника кадрлари тайёрлашни худди шу тарзда ўрганишга қизиққанлигини билдирди. Ана шундай айирбошлаш проектлари тўғрисидаги конкрет битимлар дипломатик йўл блан тузилади.

Швеция томони урушнинг охирида Будапештда ғойиб бўлган швед дипломати Рауль Валленбергнинг тақдири тўғрисидаги масала ўзи учун катта аҳамиятга эга эканлигини та'кидлади. Музокаралар вақтида Швеция томони Валленберг тўғрисида ўз ихтиёрида бўлган материални топширди ҳамда тегишли совет ма'мурлари мазкур материални қараб чиқсинлар ва текшириб кўрсинлар, деб илтимос қилди. Совет томони ана шу материални қараб ва текшириб чиқишга тайёр эканлигини билдирди. Айни вақтда, Валленберг Совет Иттифоқида бўлганида эди албатта ўз юртига жўнаб кетиш имкониятига эга бўлган бўлур эди, деб айтилди. Текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот дипломатик йўл блан ма'лум қилинади.

Совет Иттифоқида яшовчи швед гражданлари ёки собиқ швед гражданлари ўзларининг ва ўз оила а'золарининг Швецияга жўнаб кетишига руҳсат бериш тўғрисида ариза берадиган бўлсалар, мазкур шахслар Швецияга жўнаб кетишни истарликларини билдирган тақдирда, бу аризалар мақбул тарзда қараб чиқилади. Худди шунингдек, Совет Иттифоқига жўнаб кетиш истовчи совет гражданларининг ёки собиқ совет граждан лари ва уларнинг оила а'золарининг Совет Иттифоқига жўнаб кетишларига швед ма'мурлари ҳеч қандай тўсқинлик қилмайдилар.

Халқаро аҳвол тўғрисида фикр олишув вақтида Швеция Бош Министри ва Ички ишлар министри Швеция тинч вақтда иттифоқларда қатнашмасликдан иборат ўзининг традицион сиёсатини амалга оширади, бу сиёсат уруш бўлган тақдирда БМТ а'золари зиммасига юкланган мажбуриятлар доирасида бетараф бўлиш мақсадини кўзда тутади, деб та'кидладилар. Швеция томонининг фикрича, ана шу ташқи сиёсат Швециянинг манфаатларига жавоб бериш блан бирга, Европанинг ана шу қисмида тинч ва дўстона алоқалар бўлишига ёрдам бериши лозим. Совет томони СССР Швециянинг иттифоқларда қатнашмасликдан ва тинчликни кўзлашдан иборат ана шу сиёсатини шу вақтгача қилиб келганидек бундан буён ҳам шундай ҳурмат қилади, деди.

Сўнгра, томонларнинг ҳарбири халқаро кескинликни янада юмшатишга ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида баён қилинган ва, жумладан, мазкур ташкилотда а'зо бўлган давлатларнинг мустақиллигини ва суверенитетини ҳурмат қилишни, ҳужум қилишмасликни ва ички ишларга аралашмасликни кўзда тутучи принциплари асосида халқлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беришдан манфаатдор эканлигини та'кидлади.

Ҳар иккала томон қурол-яроғларни ва қуролли кучлар сонини ёппасига камайтириш соҳасида ҳам, атом қуролини тақиқлаш ва унинг устидан конторль ўрнатиш соҳасида ҳам, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш соҳасида ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотида амалий натижаларга эришиш йўлида давом этдирилаётган интилишни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдирди.

Фикр олишув музокаралар давомида кўтарилган масалалар юзасидан ҳар иккала томоннинг нуқтаий назарини чуқурроқ тушунишга олиб келди ва Швеция блан Совет Иттифоқи ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Швеция Бош Министри Т. Эрландер рафиқаси блан ва Ички ишлар министри Г. Хедлунд рафиқаси блан, шунингдек улар блан бирга келган бошқа кишилар Москвада бўлганларидан кейин Совет Иттифоқи бўйлаб бирнеча кун саёҳат қиладилар, шу жумладан, улар Сухуми, Тбилиси, Ереван, Киев ва Ленинградни бориб кўрадилар.

Швеция Бош Министри Т. Эрландер Москвадан жўнаб кетди

Швеция Бош Министри Т. Эрландер 5 апрельда Москвадан Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳатга ва сўнгра ватанига жўнаб кетди. У блан бирга Ички ишлар министри Г. Хедлунд рафиқаси блан, Швеция ташқи ишлар министрлиги сиёсий бўлимининг мудири Г. Ярринг рафиқаси блан, Бош Министрнинг шахсий секретари У. Пальме, Швеция Ташқи ишлар министрлиги савдо бўлимининг иккинчи секретари Г. Лорентцон ҳамда Швеция Бош Министри ҳузуридаги матбуот ишлари бўйича махсус вакил С. Фрикиус жўнаб кетдилар.

Швеция ва СССР давлат байроқлари блан безатилган марказий аэродромда Бош Министр Т. Эрландерни СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари М. З. Сабуров, СССР министрлари В. Г. Бакаев, Н. П. Дудоров, В. П. Елютин, Ф. Г. Логинов, Г. М. Орлов, меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети Ижроия комитети раиси Н. И. Бобровников, Ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари С. А. Борисов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Скандинавия мамлакатлари бўлимининг мудири М. Г. Грибанов, СССРнинг Швециядаги элчихонасининг маслаҳатчиси Н. М. Луньков, СССР Министрлар Совети Раиси протокол бошлиги Е. А. Тарабрин, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, Москва шаҳрининг коменданти генерал-майор И. С. Колесников, совет ва четэл журналистлари кузатиб қолдилар.

Швеция Бош Министрини Швециянинг СССРдаги Элчихонаси ходимлари, шунингдек СССРдаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари ҳам кузатиб қолдилар.

Швеция Бош Министри Т. Эрландерни кузатиш вақтида аэродромда фахрий қоровул қўйилган эди, ҳамда Швеция ва Совет Иттифоқининг Давлат гимнлари ижро этилди.

Т. Эрландер аэродромда микрофон олдида нутқ сўзлади.

Т. Эрландер нутқи

Бош Министр жаноблари!

Мен Москвадан жўнаб кетаётиб, бу ерда, Москвада ўтказган унутилмас кунлар учун, шунингдек бутун швед делегациясига кўрсатилган ғоят самимий меҳмондўстлик учун Сизга ҳамда Совет Иттифоқининг бошқа ҳамма вакилларига чин кўнгилдан самимий ташаккур билдиришни истайман. Совет раҳбарлари блан шахсан танишиш менинг учун ҳамда Ички ишлар министри Г. Хедлунд учун ғоят қимматли бўлди.

Мен яна бир марта шуни қониқиш блан уқтириб ўтишни истайманки, ҳам расмий, ҳам хусусий музокараларимиз дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди. Мен халқларимиз ўртасида бундан кейин ҳам бу руҳ ҳукм суради, деб ишонч билдираман.

Бош Министр жаноблари, яна раҳмат!

* * *

Швеция Бош Министри Т. Эрландернинг Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳатида СССР Ташқи ишлар министрининг Ўринбосари В. С. Семенов, СССРнинг Швециядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. К. Родионов, Швециянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Р. Сульман унга ҳамроҳ бўладилар.

Швед матбуоти вакилларининг группаси ҳам Бош Министр блан бирга Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳатга жўнаб кетди. (ТАСС).

ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЧИХОНАСИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Венгриянинг Совет Армияси томонидан озод қилинганлигига 11 йил тўлиши муносабати блан Венгрия Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси доктор Ференц Мюнних 4 апрельда қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Н. А. Булганин, В. М. Молотов, Н. С. Хрушчев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. П. Тарасов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Н. Косигин, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси В. Т. Лацис, СССР Министрлари, Совет Иттифоқи маршаллари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, СССР Олий Совети Президиумининг, СССР Ташқи ишлар министрлигининг, Ташқи савдо министрлигининг, СССР Мудофаа министрлигининг, СССР Маданият министрлигининг маъ'сул ходимлари, олимлар, артистлар, ёзучилар, совет ва четэл мухбирлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Венгрия Халқ Республикаси маданият арбобларининг Маориф министри Тибор Эрдеи-Груз бошчилигидаги делегацияси ҳозир бўлди.

Қабул маросимида СССРдаги бирқанча четэл дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари, Элчихоналар ва Миссияларнинг ходимлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида нутқлар сўзланди. (ТАСС).

К. Е. Ворошилов Чехословакия Республикаси Миллат мажлисининг делегациясини қабул қилди

СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ, Миллат мажлиси раиси Зденек Фирлингер бошчилигидаги Чехословакия Республикаси Миллат мажлисининг делегацияси Совет Иттифоқига меҳмон бўлиб келганига салкам уч ҳафта бўлди.

3 апрельда Кремльда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов делегацияни қабул қилди. Чехословакия республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Я. Вошаглик делегацияга ҳамроҳ бўлиб келди.

К. Е. Ворошилов дўст чехословак халқининг вакилларини самимий табриклаб, делегациянинг Совет Иттифоқига келиши ҳар иккала мамлакат халқларининг қардошларча дўстлигига янада кўпроқ ёрдам беради, деб ишонч билдирди. К.Е. Ворошилов меҳмонларнинг СССРга қилган сафарлари тўғрисида олган таассуротлари ҳақида сўзлаб беришни сўради.

Чехословакия республикаси Миллат мажлисининг раиси З. Фирлингер делегация номидан гапириб, чехословак халқи номидан К. Е. Ворошиловга салом топширди ва делегация самимий, дўстона кутиб олинганлиги учун ташаккур билдирди.

— Бизнинг бу сафаримиз, — деди З. Фирлингер, — бизга кўп нарса берди, биз кўпни кўрдик, кўп нарсани ўргандик.

Миллат мажлисининг депутатларидан Б. Козелка, Я. Шимон, И. Чермак, Л. Режна, А. Годинова-Спурна, Ф. Тимеш, И. Завета ва бошқалар Совет Иттифоқига қилган сафарларидан олган таассуротлари тўғрисида сўзладилар. Улар совет халқининг саноатда, қишлоқ хўжалигида, маданий қурилишда, соғлиқни сақлаш ишларида эришган катта муваффақиятларини мамлакат бўйича қилган саёҳатларида кўздан кечирганликлари ҳақида гапирдилар, совет корхоналарида меҳнат яхши ташкил қилинганлигини ва корхоналарни механизациялаш юксак даражада эканлигини та'кидладилар. Делегатлар суҳбат қилган совет кишилари орасида Прагани немис босқинчиларидан озод қилишда Совет Армияси составида қатнашган ишчилар, колхозчилар, интеллигенция вакиллари ҳам бор эди.

Дўстона, самимий суҳбат бир соатдан ортиқ давом этди. К. Е. Ворошилов суҳбатнинг охирида СССР Олий Совети Президиумига келганликлари учун чехословакияли ўртоқларга қизғин ташаккур изҳор қилди.

К. Е. Ворошилов делегация бошлиғидан ва делегация а'золаридан Чехословакиянинг барча меҳнаткашларига, Чехословакия ҳукумати ва Чехословакия республикасининг Президенти А. Запотоцкийга қардошларча салом топширишни сўради.

Қабул маросимида СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. М. Пегов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семёнов, СССР Ташқи ишлар министрлигининг IV Европа бўлими мудири вазифасини ижро этучи П. Г. Крекотень, СССР Олий Совети Президиуми Протокол бошлиги Г. И. Фомин, СССР Олий Совети Президиумининг маъ'сул ходимлари, чехословак ва совет журналистлари ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ВЕНГЕР — СОВЕТ ДЎСТЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

4 апрельда Сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи Бутуниттифоқ жамияти Ўзбекистон бўлимининг Марказий лекция бюроси залида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Бу йиғилиш Совет Армияси томонидан Венгрия озод қилинган кунининг 11 йиллигига бағишланган эди. Йиғилишни Четэллар блан маданий алоқа қилучи Ўзбекистон жамиятининг бошқармаси ва Сиёсий ҳамда илмий билимларни тарқатучи республика жамияти ташкил қилди. Кечани химия фанлари доктори, профессор А. С. Содиқов очди. «Ўзгипроводхоз» бўлимининг бошлиғи, Венгрия Халқ Республикасига қилган давомли командировкадан қайтиб келган В. С. Осипов жуда мароқли ахборот берди. У бу дўстона мамлакатдаги ирригация хўжалигининг аҳволи, Венгрия бўйлаб қилинган саёҳатдан олган таассуротлари тўғрисида муфассал сўзлаб берди. Ўртоқ Осипов ўз нутқида ривожланиб бораётган маданият масалаларига катта ўрин берди.

Докладдан кейин бадиий қисм бўлди. (ЎзТАГ).

ҚАЙРОҚҚУМ ГЭС ҚУРИЛИШИДА

Сирдар'ё тўсилиш арафасида

ҚАЙРОҚҚУМ, 5 апрель, (ЎзТАГ). Сирдар'ё ўзанини тўсиш юзасидан охирги тайёргарлик ишлари олиб борилаётир.

Кечагина тупроқдан қилинган иккита пастки ҳамда устки вақтинча тўсиқ котлован ва қурилаётган гидростанцияни сувнинг шиддат блан уришидан ҳимоя қилиб турган эди. Коллектив бутун кунбўйи гидро иншоатни сув блан тўлдириш мақсадида жонбозлик кўрсатиб ишлади. Қудратли техника — бульдозерлар, экскаваторлар, кўтарма кранлар, катта автосамосваллар блан қуролланган қуручилар котлован тагини тозаладилар, темир-терсак, тахта ва бошқа материалларни йиғиштириб олдилар. Изолировщчиклар сув ўтказмовчи тўсиқлар ясар ва иншоатнинг сув ўтадиган қисмини бўядилар.

Тош банкетлари блан икки тарафдан қаттиқ сиқилган қудратли Сирдар'ё шиддат блан ҳайқириб оқаётир. Сув, кенглиги бор-йўғи 90 метр келадиган жойдан ўтмоқда. Ана шу жойда ниҳоят қисқа муддат ичида катта осма кўприк қурилди.

7 апрельда шу кўприкдан 150 дан ортиқ самосвал дар'ёга тош, қум, тоғ жинслари, бетондан тайёрланган пирамидалар ташлайбошлайди. Бу самосваллар ичида 25 тонна юк кўтарадиган машиналар ҳам бор.

Кечаги кун қуручилар учун алоҳида кун бўлди. Соат роса 12 да қайроққумлилар ва жуда кўп меҳмонларнинг қарсаклари остида қурилиш бошлиғи Я. И. Флигельман ҳукумат комиссиясига иншоатнинг сув блан тўлдиришга тайёр эканлигини айтади. Юқори тўсиқдан тортилган қизил лента қирқилади. Иншоатни ишга тушириш комиссиясининг а'золари ва меҳмонлар қуручиларни катта ғалаба блан табриклайдилар.

— Юқори тўсиқни йиғиш бошлансин! деган команда эшитилади.

Бу шарафли вазифа қурилишнинг энг яхши кишиларига — 381 ва 1257-нчи экскаваторлар экипажларига топширилган. Бу экскаваторлар экипажига собиқ ғаллаоролли колхозчи, Фарҳод ва Шахрихон ГЭС лари қурилишининг иштирокчиси Хулойберди Зияев ва кенса механизатор Григорий Ефимович Базарнов раҳбарлик қиладилар. Бульдозерчилар экипажига комсомол а'зоси Владимир Цариков раҳбарлик қилади.

Соат 13 у 02 минутда шўх Сирдар'ё тўсиқнинг экскаваторлар очган йўлидан тор тоннельга қараб югиради ва атрофдаги тупроқларни ювиб, кучли оқим блан яқинда турбиналар ўрнатиладиган секциялар орасидан оқабошлайди.

Худди шу вақтда пастки тўсиқни ҳам йиғиш ишлари тамомланади. Дар'ёнинг суви тўғоннинг устунлари орасидан ўтабошлайди. Соат 13 у 45 минутда дар'ёнинг ҳар икки оқими бирлашди.

7 апрельда қуручилар дар'ёни тўсиш юзасидан оҳирги ишга киришадилар.

СОВЕТ-ШВЕЦИЯ АХБОРОТИ ИМЗОЛАНДИ

3 апрельда Катта Кремль саройида Совет-Швеция ахбороти имзоланди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва Швеция Бош Министри Т. Эрландер Совет-Швеция ахбороти текстига дастлабки имзо қўйдилар.

Совет-Швеция ахборотига дастлабки имзо қўйиш вақтида Л. М. Каганович, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, Д. Т. Шепилов, Е. А. Фурцева, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семёнов, армия генерали И. А. Серов, СССРнинг Швециядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. К. Родионов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Скандинавия мамлакатлари бўлимининг мудири М. Г. Грибанов, СССР Министрлар Совети Раиси Протокол бошлиги Е. А. Тарабрин ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Швеция томонидан Ички ишлар министри Г. Хедлунд, Швециянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Р. Сульман, Швеция Ташқи ишлар министрлиги Сиёсий бўлимининг мудири Г. Ярринг, Бош Министрнинг шахсий секретари У. Пальме, Швеция Ташқи ишлар министрлиги Савдо бўлимининг 2-нчи секретари Г. Лорентцон, Швеция Бош Министри ҳузуридаги матбуот ишлари бўйича махсус вакил С. Фрикиус, Швециянинг СССРдаги Элчихонасининг ходимлари ҳозир бўлдилар.

Совет-Швеция ахборотига дастлабки имзо қўйиш вақтида четэл ва совет журналистлари ҳам ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Н. А. Булганин ҳузурида Швеция Бош Министри Т. Эрландер шарафига қабул маросими

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин 3 апрельда Кремльда Швеция Бош Министри Т. Эрландер шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Швеция Бош Министри Т. Эрландер рафиқаси блан, Швеция Ички ишлар министри Г. Хедлунд рафиқаси блан, Швеция Ташқи ишлар министрлиги Сиёсий бўлимининг мудири Г. Ярринг рафиқаси блан, Бош Министрнинг шахсий секретари У. Пальме, Швеция Ташқи ишлар министрлиги Савдо бўлимининг 2-нчи секретари Г. Лорентцон, Швеция Бош Министри ҳузуридаги матбуот ишлари бўйича махсус вакил С. Фрикиус ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида совет томонидан К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, Д. Т. Шепилов, Е. А. Фурцева, Н. И. Беляев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосарлари М. П. Тарасов ва В. И. Козлов, СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосарлари А. Н. Косигин, П. П. Лобанов, В. А. Малишев, И. Ф. Тевосян, М. В. Хруничев, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Волков, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. А. Яснов, СССРнинг Швециядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. К. Родионов, СССР Министрлари, Совет Иттифоқи Маршаллари ва бошқа расмий кишилар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, СССР Олий Совети, СССР Министрлар Советининг, СССР Ташқи ишлар министрлиги, Ташқи савдо министрлиги, СССР Мудофаа министрлиги, СССР Маданият министрлигининг маъ'сул ходимлари, фан ва маданият арбоблари, артистлар ва ёзучилар, совет ва четэл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Швециянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Р. Сульман, Элчихона ходимлари, шунингдек СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Миллат мажлиси раиси З. Фирлингер бошчилигидаги Чехословакия Республикаси Миллат мажлисининг делегацияси ҳозир бўлди.

Қабул маросими олдидан Швеция ва Совет Иттифоқининг Давлат гимнлари ижро этилди.

Қабул вақтида концерт бўйиб берилди.

Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди. Ҳар икки томон нутқ сўзлади. (ТАСС).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Л. И. СЕМЕНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН ВА ТЕХНИКА АРБОБИ» ДЕГАН ФАХРИЙ УНВОН БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Туғилган кунига 50 йил тўлганлиги муносабати блан ғоят катта илмий-практика фаолияти учун Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тоғ йўлар министрлиги Бош йўл бошқармасининг бошлиғи Леонид Иванович Семеновга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» деган фахрий унвон берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1956 йил, 5 апрель,
Тошкент шаҳри.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг колхоз қурилиши масалалари юзасидан чиқарган қарорларининг текстлари брошюра қилиб нашр этилди

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ хўжалик артели Устави ва колхоз ишлабчиқаришини ташкил қилиш ҳамда артель ишларини бошқаришда колхозчиларнинг ташаббусини янада ривожлантириш тўғрисида»ги ва «Колхозларда колхозчиларга ой сайин аванс бериш ва меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисида»ги қарорларининг текстларини брошюра қилиб нашр этди.

Брошюра кўп нусха нашр этилди. (ТАСС).

Швеция Бош Министри Т. Эрландер В. И. Ленин ва И. В. Сталин Мавзолейини зиёрат қилди

Совет ҳукуматининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган ва ҳозир Москвада турган Швеция Бош Министри Т. Эрландер ва унинг ҳамроҳлари 4 апрельда В. И. Ленин ва И. В. Сталин Мавзолейини зиёрат қилдилар ва гулчамбар қўйдилар.

СССРнинг Швециядаги Фавқулодда ва мухтор Элчиси К. К. Родионов, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, Москва Кремлининг коменданти генерал-лейтенант А. Я. Ведения, шунингдек Швециянинг СССР даги фавқулодда ва мухтор элчиси Р. Сульман Швеция Бош Министри Т. Эрландерга ҳамроҳ бўлиб келдилар.

В. И. Ленин ва И. В. Сталин Мавзолейини Швеция Бош Министри блан бирликда швед матбуотининг бир группа вакиллари ҳам зиёрат қилдилар. (ТАСС).

ОЛТИНЧИ БЕШИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИ — 1956 ЙИЛ ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРАМИЗ

ИЧКИ РЕЗЕРВЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК!

„Ташпродмаш“ заводи коллективи меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш учун курашмоқда

«Ишлаб турган корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш, мавжуд ишлабчиқариш қувватларидан яхши фойдаланиш, эскириб қолган машина-ускуналарни модернизация қилиш ва алмаштириш, «тор жойларни» йўқотиш йўли билан, шунингдек корхоналарнинг кўпроқ бир ме'ёрда ишлашини ташкил қилиш ва маҳсулотни биртекис ишлаб чиқариш, модий-техника та'миноти ишларини ва ишлабчиқаришни планлаштиришни яхшилаш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш та'минлансин».

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956 — 1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешиллик плани юзасидан КПСС XX с'езди Директиваларидан).

Қўриқ ва бўз ерлар учун

СПИВАК,
Завод бош инженери

Тошкентдаги озиқ-овқат саноати учун турли хил машиналар ишлаб чиқаручи завод коллективи барча совет кишилари билан бир қаторда партиямиз томонидан белгилаб берилган улуғвор планларни амалга ошириш учун зўр иҳодий ташаббус ва ғайрат кўрсатиб ишламоқда. Партия XX с'ездининг тарихий қарорларидан ғоятда руҳланган коллективимиз мавжуд имкониятлардан ва ички резервлардан тўла ҳамда унумли фойдаланиш ва шу асосда тобора кўп маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳаракатчонгидан ҳам унумли меҳнат қилмоқда.

Ўтган йили коллективимиз дон қуритувчи механизмлар ишлаб чиқаришни муваффақият билан ўзлаштирди ва маҳсулотнинг шу тури бўйича давлат планини 6 ойдаёқ бажарди. Ишлаб чиқарилган бу механизмлар Олтой, Қозоғистон ва Сибирьдаги қўриқ ва бўз ерларда ташкил этилган янги совхозларга юборилди.

Қўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳамон давом этмоқда. Шу сабабли заводимизда тайёрланаётган маҳсулотларга бўлган талаб тобора ошмоқда. Биз янги техникани кенг жорий қилиш, ишлабчиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва шу асосда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида яқин йиллар ичида корхонани фақат лентали транспортёрлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирамиз. Олтинчи бешиллик планига мувофиқ 1960 йилга бориб заводимизда маҳсулот ишлаб чиқариш 1955 йилдагига нисбатан қарийб уч баравар кўпайиши лозим. Кўриниб турибтики, завод олдига ғоят катта талаблар қўйилмоқда.

Коллективимиз ўз олдига қўйилган вазифаларни шараф билан бажариш ва ички резервлардан унумли фойдаланиш мақсадида ишлабчиқариш процесслариии тобора такомиллаштирмоқда. Ишчилар ва инженер-техник ходимлар москвалилар ташаббусига қўшилиб, олтинчи бешиллликнинг биринчи йили — 1956 йил планини муддатидан илгари бажариш ва қўшимча равишда кўпгина маҳсулот ишлаб чиқариш учун социалистик мусобақани кун сайин қизитмоқдалар. Коллективнинг фидокорона меҳнати ўзининг дастлабки натижаларини берди. Январ—февраль ойларидагина корхонамизда меҳнат унумдорлиги 11,5 процент оширилди. Шу вақт ичида 5 тоннадан ортиқ металл тежалди.

Қўлга киритилган бу дастлабки муваффақиятларни ишлабчиқаришда янги ютуқлар билан мустаҳкамлаш мақсадида бутун коллектив астойдил меҳнат қилди. Натижада 1956 йилнинг биринчи квартали юқори кўрсаткичлар билан якунланди. Жумладан, товар маҳсулоти бўйича квартал топшириғи 105 процент, ялпи маҳсулот бўйича эса 102,5 процентга етказиб бажарилди. Шу давр ичида меҳнат унумдорлиги планда белгиланганидан 8 процент ортди. Пландан ташқари 8 та лентали транспортёр ишлаб чиқарилди.


Мавжуд резервлардан тўла ва унумли фойдаланиш учун бошланган курашда рационализатор ва ихтиро'чилар олдинги сафларда бормоқдалар. Корхона БРИЗига ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, мавжуд ишлабчиқариш майдонларидан ҳамда асбоб-ускуналардан тўла фойдаланишга қаратилган кўплаб таклифлар тушмоқда. Масалан, завод технологи Мария Родионова ишлабчиқариш илғорлари билан ҳамкорликда ишлаб, дон қуритувчи механизмларнинг айрим детальларини металл қолипларга қуйиб тайёрлаш усулини ишлаб чиқди. Бу усул амалга оширилгач, меҳнат унумдорлиги 4—5 ҳисса ошди, маҳсулот таннархи эса 3—4 баравар камайтирилди. Жумладан, қуритиш механизми трубасининг плитаси илгарилари 3 соатда тайёрланган бўлса, ҳозир 10—12 минутда тайёрланмоқда. Агар эски усулда ишланганида, шу детальнинг ҳарбир донаси корхонага 23 сўмга тушган бўлса, ҳозир 3 сўм 80 тийинга тушмоқда.

Детальларни металл қолипларга қуйиш ҳартомонлама жуда катта иқтисодий устунликларга эгадир. Шу сабабли, биз яқин вақтлар ичида тайёрланаётган механизмларнинг кўпчилик детальларини ана шу усулда қуйишга кўчирамиз.

Коллективимиз янги йилнинг дастлабки ойларида қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш мақсадида ишлабчиқариш процесслариии янада такомиллаштириш, меҳнатни рационал ташкил этишга алоҳида э'тибор бермоқда. Биз мавжуд ишлабчиқариш майдонларини кенгайтирмасдан туриб, маҳсулот тайёрлашни кўпайтиришга имкон беручи бирқанча тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Жумладан, яқин ойлар ичида йиғиш процесслариии индивидуал усулдан узеллар бўйича йиғишга ўтамиз. Шунингдек, бўяш ишларини ҳам комплекс механизациялаш тадбирлари кўрилмоқда.

Мавжуд асбоб-ускуналарнинг қувватидан тўла ва унумли фойдаланишни та'минлаш учун уларни модернизациялаш, эскирган станокларни янгилари билан алмаштириш ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бу йил коллективимиз 5 та янги станок олади. Уларнинг ишга туширилиши маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкон беради. Корхонамизда ишлабчиқариш процесслариии, даставвал оғир ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялашга алоҳида э'тибор берилмоқда.

Социалистик саноатимизнинг барча соҳаларида бўлганидек, бизнинг корхонада ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришни тинмай оширишга имкон беручи резервлар битмас-туганмасдир. Биз бундан кейин ҳам ана шу резервлардан имконн борича тўла фойдаланиш учун астойдил ҳаракат қиламиз. Завод коллективи 1956 йил давлат планини муддатидан илгари бажариш ҳамда қўриқ ва бўз ерлар учун пландан ташқари кўпгина механизмлар ишлаб чиқариш учун ҳамма имкониятларни ишга солади.



Завод коллективи ўртасида яқинлашиб келаётган 1 Май шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Механика цехининг донгдор токари ўртоқ В. Каримов байрамолди меҳнат вахтасида ишлаб, айниқса яхши натижаларга эришмоқда. У, смена топшириғини 200 процентдан ҳам ошириб бажармоқда. **Суратда:** ўртоқ **В. Каримов** иш устида.
В. Салов фотоси.

Янада унумлироқ ишлаймиз

Д. ШАБАЛИН,
цех бошлиғи.

Заводимизда баʼзан маҳсулот ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилмай қолар эди. Цех ва участкаларда ишчилар ва агрегатлар зарур материаллар билан таʼминланмаганликлари туфайли иш вақтининг кўп қисми йўқотиларди. Коллективимиз бунинг сабабларини чуқур ўрганди. Кейинчалик маʼлум бўлишича, ҳамма гап цехлараро контактнинг старли бўлмаганида экан.

Биз мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида айрим майда цехларни йириклаштирдик. Бу тадбир қисқа муддат ичида ўзининг жуда яхши натижаларини берди. Масалан, аввалларн корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар механика, слесарьлик ва инструменталь цехларида айрим-айрим ҳолда ишланар ва шундан сўнг йиғилар эди. Бу эса механизмлар қувватидан тўла фойдаланиш, прогрессив технологияни жорий қилиш ва шунга ўхшаш тадбирларни амалга оширишга маʼлум даражада тўсқинлик қиларди. Биз юқоридаги ҳар уччала цехни битта механика цехига бирлаштирдик. Натижадэ меҳнат унумдорлиги кескин суратда ортди.

Аввал қуйилмалар замбилларда ташиб келтирилар эди. Биз бу процесни транспортёрлар воситаси билан бажаришга кўчирдик. Натижада шу соҳада меҳнат унумдорлиги 4 баравар ортди.

Маʼлумки, ишлабчиқаришни рационал ташкил этиш мавжуд резервлардан тўла ва унумли фойдаланишнн таʼминловчи энг муҳим шартдир. Биз участкалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга ва берилган топшириқларнинг ҳарбир ишчи томонидан ошириб бажарилишини таʼминлашга алоҳида э'тибор бермоқдамиз. Шу сабабли коллективимиз ўртасида сменалараро нормаларини 180 — 200 процентдан ҳам ошириб бажараётган ишчилар сафи кун сайин кенгаймоқда. Илғор ишчилардан Н. Золотницкий, П. Картошкин ва бошқа ўртоқлар айниқса яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Шу кунларда корхона коллективи ўртасида 1 Май шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Ишлабчиқариш процесслариии механизациялаш ва мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш натижасида цех техника-иқтисодий кўрсаткичлари тобора яхшиланмоқда. Масалан, февраль ойи топшириғи 114 процентга етказиб бажарилган бўлса, март ойи плани муддатидан 6 кун илгари — 25 мартда бажарилди.

Қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда, мавжуд резервлардан унумли фойдаланишга тўсқинлик қилаётган бирқанча камчиликларимиз ҳам бор. Жумладан, барча участкаларнинг бир ме'ёрда ишлаши учун ҳамавақт ҳам етарли шароит туғдириб берилмаётир. «Главметаллсбит» раҳбарлари корхона эҳтиёжларини жиддий равишда ўрганмаётирлар, шу сабабли планда белгиланган хомашʼёлар ўз вақтида етказиб берилмаётир. Натижада меҳнатни ташкил этишнинг энг муҳим принципи — участкаларни етарли миқдорда хомашʼё билан таʼминлаш принципи бузилмоқда. Бу эса ишчилар ва агрегатларнинг смена давомида бекор туриб қолишига сабаб бўлмоқда, янада унумли ишлашимизга тўсқинлик қилмоқда.

Цех коллективи етарли миқдорда хомашʼё билан ўз вақтида таʼминлаб турилса, биз олтинчи бешиллликнинг биринчи йили—1956 йил планини муддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни албатта шараф билан бажарамиз.

1 Май шарафига

С. ЁҚУБОВ,
формовщик.

Бизнинг цехимизда дон хўжалигида ишлатиладиган механизмларнинг детальлари қуйилади. Бошқа цехларнинг бир ме'ёрда, унумли ишлаши кўп жиҳатдан бизнинг ишимизга боғлиқ. Чунки биз қанчалик кўп ва сифатли деталь қуйсак, токарьларимиз шунчалик кўп деталь тайёрлайди, йиғувчиларимиз эса шунчалик кўп механизмлар ишлаб чиқаради.

Қуйилма ишлаб чиқаришни кўпайтириш шартларидан бири ишлаб чиқариш майдонини кенгайтиришдир. Бизда буни қўллаб бўлмайди. Иккинчи ва энг қулай йўл — илғор иш методларини, прогрессив технологияни кенг қўлланишдир. Биз мана шу усулни кенг қўлламоқдамиз. Жумладан, илгарилари детальлар ерқолипга қуйилар эди. Бу эса кўп меҳнат ва вақт талаб қилар, хомашʼёнинг кўплаб нобуд бўлишига сабаб бўлар эди. Ана шу камчиликнинг олдини олиш ва маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида биз детальларни металл қолипга қўйишни жорий қилдик. Бу тадбир маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга, меҳнатимизни жуда енгиллаштирди.

Мен ана шу янги усул асосида ишлаб ҳозир смена топшириқларини 170—200 процентга етказиб бажармоқдаман. Шунингдек, цехимизда майда детальларни станокда формалашни жорий қилдик. Янги ўрнатилган икки қўл станогининг ўзи меҳнат унумдорлигини аввалгига нисбатан бирнеча ҳисса ошириш имкониятини берди. Аввал қуйилма қуйилган қолиплар ерга битта-битта териб қўйилар эди. Яқинда биз уларни устма-уст тахлаш методини қўлладик. Натижада мавжуд ишлаб чиқариш майдонидан қуйилма олиш 1,5-2 баравар кўпайди. Коллективимиз яқинлашиб келаётган меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Майни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ҳарқачонгидан ҳам унумли ишлаётир. Мен ҳам кўп катори ана шу ҳаракатга қўшилиб, 1 Майни беш ойлик топшириқни бажариш билан кутиб олиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдаман.

ЯНГИ ТАКЛИФЛАР

◆ **Завод коллективи ўртасида рационализаторлик ва ихтиро'чилик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Масалан, 1955 йилда 30 та таклиф ишлабчиқаришга жорий қилинган ва у 28620 сўм фойда келтирган бўлса, шу йилнинг ўтган 2 ойи ичида 24 та таклиф амалга оширилди ва улар 38256 сўм фойда берди.**

◆ **Механика цехининг бошлиғи П. А. Раҳмонов, электросваршчик А. Грусов ўртоқлар ҳамкорлигида ишлаб, лентали транспортёрларни йиғишнинг янги усулини таклиф қилдилар. Бу усул амалга оширилгач, меҳнат унумдорлиги икки баравар ошди.**

◆ **Тайёрлов цехининг мастери ўртоқ И. Дюльдин транспортёрларнинг скрепкаларини тайёрлашни штамповка усулга кўчиришни таклиф қилди. Таклиф ишлабчиқаришга жорий қилингач, скрепкалар тайёрлашдаги операциялар уч баравар қисқарди.**

Камчиликнинг катта-кичиги бўлмайди

Н. КРАЕВ,
токарьлик ва слесарьлик бригадасининг мастери.

Бригадамизда ҳаммаси бўлиб 17 киши ишлайди. Биз ишчиларнинг бутун смена давомида унумли ишлашини таʼминлаш мақсадида иш жойида меҳнатни ва ишлабчиқаришни график асосида ташкил этишга алоҳида э'тибор бермоқдамиз. Ишни тўғри планлаштириш ва меҳнатни рационал ташкил этиш—муваффақиятларнинг гаровидир. Броқ план тузиш — бу, ишнинг бошланишидир, холос. Ҳамма гап ана шу графикни оғишмай амалга оширишда, коллективнинг бутун иҳодий ташаббуси ва ғайратини давлат планларининг тўла ҳамда ошириб бажарилишига сафарбар қилабилишда қолган.

Биз участкадаги станокларни бажариладиган операцияларининг ўзаро бир-бирига боғлиқлигини ҳисобга олиб жойлаштирганмиз. Бу усул детальларни навбатдаги операцияларга ишлаш учун ташишга кетадиган ортиқча вақтларни тежаш ва ишчиларнинг унумли меҳнат қилишини таʼминламоқда.

Бригадамиздаги 17 ишчи ҳардоим бир-бири билан ака-укадай иноқлик ва ҳамкорлик билан ишлайди. Агарда бирор ишчи смена топшириғини бажараолмай қодса, коллектив дарҳол бу ўртоқ билан шуғулланади, унинг нима сабабдан топшириқни бажармаганлигини аниқлайди ва унга зарур ёрдамни беради.

Илғор ишчилар смена давомида ўз касбдошларининг қандай ишлаётганлигини кузатиб борадилар, иш ўртасида уларга йўл-йўриқлар кўрсатиб, ёрдам бериб турадилар. Бригада коллективининг ана шундай ҳамкорликда ва ўзаро ёрдам асосида ишлаётганлиги сабабли декада ва ойлик топшириқлар доимо 120—130 процентга етказиб бажарилмоқда.

Ўзи раҳбарлик қилаётган участканинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини тинмай яхшилашни кўзда тутган раҳбар кўп вақтини кишилар билан ишлашга сарфлаши лозим. Баʼзи вақтларда иш кўнгилдагидек кетаётганга ўхшаб кўринади, лекин шундай вақтларда ҳам коллектив аʼзолари билан суҳбатлашиб, улардан «ишни янада яхшилашга нималар халақит бераяпти?» деб сўралса, ишчилар бунга тўсқинлик қилаётган камчиликларни бирма-бир санаб берадилар. Чунки ишчи раҳбар кўрмай ёки аниқлайолмай қолган камчиликларни ҳатто энг майда-чуйиларигача билади. Юзаки қараганда бу камчиликларнинг айримлари жуда арзимас бўлиб кўринади. Броқ ишда камчиликнинг катта-кичиги бўлмайди. Баʼзида арзимас бўлиб кўринган камчилик ҳам ишга катта зарба бериши мумкин. Буни кундалик тажриба яққол кўрсатиб турипти.

Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, завод маʼмурияти цех ва участкаларни ўз вақтида етарли миқдорда қирқув асбоблари, метиз, прокат ва хомашʼёлар билан таʼминлашга жиддий эʼтибор бермайтир. Бу эса ўз навбатида ишни бир меʼёрда ташкил этишга, ички резервлардан тўла фойдаланишга тўсқинлик қилаётир, баʼзан ишлабчиқариш графигининг бажарилмай қолишига сабаб бўлаётир.

Ишчиларнинг техника билимини доимо ошираборнш, уларда иҳодий ташаббускорликни ўстиришда ғоят катта аҳамиятга эгадир. Маҳсулот сифатини яхшилаш, хомашʼё, электр қуввати ҳамда ёқилғини тежаб-тергаб ишлатиш ва шу асосда мавжуд ишлабчиқариш майдонлари ва асбоб-ускуналардан имкони борича кўпроқ маҳсулот олиш кўп жиҳатдан ишчиларнинг техника билими даражаларига боғлиқдир. Лекин завод раҳбарлари шу кунгача бу муҳим масалага жиддий эʼтибор бермай келаётирлар. Бу ҳақда турли хил йиғилишларда ва мажлисларда жуда кўп гапирилди. Афсуски, шундан кейин ҳам бу соҳада ҳеч қандай ўзгариш бўлмаётир.

Ишчиларнинг сигналларига доимо сезгирлик билан қулоқ солиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш, юқори унумли меҳнат қилиш учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бериш—заводимиз раҳбарларининг муҳим вазифасидир.



Яқинда САГУ филология факультети журналистика бўлимининг 2 ва 3-нчи курс студентлари Тошкентдаги озиқ-овқат саноати машинасозлиги заводига экскурсияга бордилар. Бўлажак журналистлар корхонадаги ишлабчиқариш процесслари билан танишдилар, ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар билан суҳбатлашдилар. **Суратда** (чапдан ўнгга): завод партия ташкилоти секретарининг ўринбосари **Л. Н. Уральцева**, студент **Р. Ҳошимов**, корхона бош инженери **В. Г. Спивак**, студентлардан **Г. Жўраева**, **Я. Саʼдуллаева**, заводнинг илғор ишчиси **С. Ёқубов** ва студент **Э. Мусаев** ўртоқлар ўзаро суҳбатлашмоқдалар.
В. Володин фотоси.

ҲАМКОРЛИКДА

Механика цехида иш қизиғи давом этмоқда. Пётр роликка подшипникни болға билан уриб зўрға жойлаштиргач, пешонасидаги тер томчиларини артиб, ўйланиб қолди. «Шу ишни пресс ёрдамида бажариб бўлмасмикан... Йўқ, бўлмаса керак, чунки пресс бир текисда босади, подшипник эса роликнинг ичига зарб билан киритилиши лозим». Пётр шуларни ўйлар экан яна ишга киришиб кетди. 4—5 дона ролик тайёрлаб, яна тўхтади. У, худди биринчи марта кўраётгандай цилиндрсимон роликка тикилиб қолди. Унинг миясига келган фикр ривожланиб борар эди. «Борди-ю, прессга бирорта мослама ўрнатилса...»

Пётр смена тугаши билан иш жойини йиғиштирди. Сўнг тайёр роликлардан бирини олиб цехнинг иккинчи хонасига чиқди. У, ёш токарьга нималарнидир уқтираётган мастер Краевни кўриб, унинг олдига борди.

—Ҳа, ўртоқ слесарь, ишлар жойидами? — сўради Краев, мийигида кулиб.

—Дуруст, — деди Пётр қўлидаги роликни айлантираркан.

—Нима,роликка бир гап бўлдими?

—Роликка ҳеч гап бўлгани йўқ-ку, лекин унинг ичига подшипникни жойлаш учун болға ураберсак, ўзимизга бир гап бўлмаса деб хавотирланаяпман, зарб билан болға урганда подшипник сачраб кетиб бир жойинга тегиши ҳам ҳеч гап эмас. Ишдан қўрққанидан шундай деяпти деб ўйламанг-ку...

— Биламан, болға уришларингдан мен ҳам безор бўлиб юрибман, бу ишнинг оғир ор чора топдингми ёки ҳасратингни айтгани келдингми?

—Миямга бир фикр келди. Ана у прессга ponaга ўхшаган металл мослама ўрнатилса болғадан қутиламизми дейман.

Пётр таклифга қизиқиб қолган мастерга ўз режасини бошдан-оёқ гапириб берди. Сўнг улар бирга прессе олдига бориб ўрнатиладиган мосламанинг бўйи, энини ҳисоблаб чиқдилар. Шу орада цех бошлиғи ҳам келиб қолди. У, таклифнинг моҳиятини дарров тушунди ва:

—Буни тезроқ амалга оширинг керак!— деди Пётрнинг елкасига қоқиб. Улар бу янгилик ҳақида бош инженер билан гаплашиб, прессе ўрнатиладиган мосламани тайёрлашни цех бошлиғига топширдилар. Шундан кейин эртага цехда иш бошлангунча тажриба ўтказиб кўришга қарор қилиб, тарқалишди.

...Пётр ролик, корпус, ўқ, подшипникларни прессе ёнига териб чиқди. Шу вақт Краев, Шабалин, бош инженер Спивак келиб қолдилар. Уларнинг ҳаммаси худди байрам кунидагидек хурсанд эди. Лекин Пётр бугун мутлақо бошқача, кечаси билан уйқусиз тўлганиб чиққани унинг кўзларидан сезилиб турарди. У битта роликни олиб пресс тагига қўйдида, подшипник корпусини унинг устига жойлаштирди ва рукояткани босиб, прессга ток берди. Пресс босқичи тагида турган подшипник корпусини понасимон металл мослама ичидан сирпантириб, роликка киргизди. Сўнг шарикли подшипник ҳам шу усулда жойлаштирилгач, биринчи ролик тайёр бўлди.

— Яша азамат... болғадан қутиладиган бўлибмиз-да, — деган овозлар эшитилди. Бу, пресс ишини ҳаяжон билан кузатиб турган ишчиларнинг овози эди. Бу овозлар Пётрни бироз гангитиб қўйди, унинг юзлари қизариб кетди. Бош инженер қўлини қисиб «раҳмат Пётр» деганда у, ичидан тўлқинланиб келаётган ҳаяжонни зўрга босиб: «арзимайди»,—деяолди, холос.

Шу куни Пётр Зайцев янги усул билан ишлаб аввалгидек 50 та ўринга 200 та ролик тайёрлади.

Пётр Зайцев заводдаги донгдор слесарьлардан биридир. Унинг номини заводга кечагина кирган киши ҳам дарров эшитади. Яқинда у мастер Краев билан биргаликда яна иккита таклиф киритди.

Тайёрланган роликларга қопқоқ ўрнатиш жуда қийин эди. Бир киши роликни ушлаб турса, иккинчи киши қолово-рот (даста)ни бурарди. Пётр ва Краев 2 та маховикни бўйи 1 метр келадиган столбаларга ўрнатдилар ва орасига 22 та роликни устма-уст қўйиб бирданига қопқоқлашни жорий қилдилар. Заводда уларнинг бу асбобини «стенка» деб аташади. «Стенка»ни қўллаш натижасида иш унуми икки баравар ошди.

Пётрнинг иккинчи таклифи ҳам корхонага катта фойда келтирди. 1956 йилнинг бошларида цехга битта янги станок келтирилди. Бу станокнинг фарқи унинг пармаси ҳар икки томонга ҳам айланишида эди, транспортёр, дон қуритадиган машина қисмларн учун резьба ана шу янги станокда ясаладиган бўлди, олдин 1 сменада атиги 50 корпус парманса, энди, янги станок билан 500 корпусни пармалаш мумкин бўлди. Лекин биргина станок талабни қондираолмас эди. Шунинг учун Зайцев, Краев, Шабалинлар яна 2 та эски станокни янги станок асосида модернизация қилиш проектини ишлаб чиқдилар. Бунда заводнинг бош инженери Спивак ҳам уларга яқиндан ёрдам берди. Натижада проект амалга ошиб, у 2 станок пармасини ҳам ҳар икки томонга айланадиган қилинди. Энди Зайцевлар бўлимига берилдиган заготовкалар пешма-пеш тайёрланаверадиган бўлди.

Заводда бундай рационализаторлар оз эмас. Уларнинг таклифлари ўз вақтида амалга оширилади. Завод коллективи бундай новаторларни доим қўллаб-қувватлайди ва улар ижод қилган янгиликлардан муваффақият билан фойдаланади.

Бу саҳифа Владимир Ильич Ленин номли Ўрта Осиё Давлат университети филология факультети журналистика бўлимининг иккинчи ва учинчи курс студентлари томонидан уюштирилди.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўплаб етиштирайлик, уларнинг таннархини камайтирайлик

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК БЛАН

Уртасарой районида бўлиб ўтган иқтисодий конференциядан

Кузда шудгорлаб қўйилган пахта далаларида чигит экишга сўнгги тайёргарликлар бораётир. Квадратлар аниқ чиқиши учун далалар қунт билан текисланмоқда, участкаларда контроль чизиқлар ўрни режаланмоқда. Ана шу контроль чизиқларга қараб режасимлари тортилади. Уруғлик чигит ҳам тайёрланмоқда. Сеялкаларнинг созланиши, тракторларнинг ҳолати такрор-такрор текширилмоқда.

Эрта-индин чигит экиш оммавий равишда бошланади, бунда олтинчи бешйилликнинг биринчи ҳосилига замин қўйилади.

КПСС XX с'езди белгиланган коммунистик қурилишнинг улуғвор программасидан руҳланган Уртасарой район колхозлари ва МТС ларининг коллективлари бу йил пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини янада кўпайтириш юзасидан юксак социалистик мажбурият олдилар. Колхозчилар ҳар гектар майдондан қанча пахта, шоли, дон, сабзавот ва қовун-тарвуз олинишини белгилашдан олдин улар ўзларининг бригада, ферма ва колхозларидаги реал имкониятлар тўғрисида жиддий равишда ўйлаб кўрдилар, хўжаликнинг ички резервларини қидириб топишга ҳаракат қилдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг колхоз тузумини янада мустаҳкамлаш, колхозчилар ташаббусини тобора кучайтиришга қаратилган қарори колхоз қишлоғи меҳнаткашлари ўртасида ижодий активликни тағин ҳам ошириб юборди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш резервларини қидириб топиш блан бирга колхозчилар пахта, дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш харажатларини камайтириш ҳақида ҳам ўйламоқдалар. Чунки, бунга барча колхозчилар ҳам иқтисодий жиҳатдан ғоят манфаатдордирлар. Лекин экономика масалаларини тушуниб олиш учун билим керак. Қиш давомида Уртасарой район партия комитети ҳузурида конкрет экономикани ўрганиш юзасидан семинар ташкил этилди. Семинарга колхоз, МТС раҳбарлари, район партия, совет активлари қатнашдилар. Семинар иқтисодий билимларга бўлган қизиқишни ва бу билимларни ҳарбир колхознинг конкрет шароитида амалий қўлланишга қизиқишни янада оширди.

Ўтган йил район бўйича умуман олганда ҳарбир центнер пахта етиштириш учун сарфланадиган меҳнатни тежашда баъзибир ютуқларга эришилди. Бунинг сабаби шуки, бутун пахта майдонларининг деярли тўртдан уч қисмида ғўза қатор оралари икки томонлама ишланди. Бу, маълумки, катта фойда келтиради.

Лекин, шунга қарамасдан турли колхозларда ҳарбир центнер пахтани етиштириш учун меҳнат сарфлашда катта фарқ бўлди. Бунинг сабаби нимада, айрим иш даврларига қараб меҳнатни сарфлаш қандай тақсимланди, қаерда меҳнат ортиқча сарф этилди, харажатни планлаштиришда қандай хатоларга йўл қўйилди? Бу ва шунга ўхшаш экономиканинг бошқа кўпгина масалалари, айниқса маҳсулотнинг таннархи масалалари тубдан аниқланиши керак.

Ана шу масалаларни ҳал этишга киришиш районда ўтказилган иқтисодий конференциядан бошланди. Украинанинг Хмельницкий область, Городской райони ва Курский область, Хомутов райони тажрибаларига асосланиб, конференцияга тайёргарлик кўришга катта эътибор берилди.

Колхоз ишлабчиқаришининг ҳарбир тармоғида, ҳарбир экинни етиштиришда сарфланган меҳнат ва маблағни чуқур анализ қилиш, меҳнатни ташкил этиш ва нормалаштириш масалаларини ўрганиш талаб этилди. Маълумки, бу иш анча мураккаб, кўп ўйлаб кўришни талаб этади. Бу тўғрида колхоз раҳбарларига ёрдам бериш учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институтидан, Ўзбекистон қорвачилик илмий-текшириш институтидан ва республика қишлоқ хўжалик министрлигидан бир группа ходимлар юборилди.

Колхоз раҳбарлари экономистлар блан биргаликда уч ҳафта давомида конференция учун материаллар тайёрладилар. Шу давр давомида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда сарфланадиган меҳнатнинг аниқ ҳисоботлари тузилди, пахта ва жамоат хўжалигининг бошқа соҳаларида ишлабчиқариш харажатларини камайтириш резервлари аниқланди.

Бу материаллар яқинда «Полярная Звезда» колхозида бўлиб ўтган район иқтисодий конференциясида қилинган докладларга асос қилиб олинди. Конференцияга колхоз раислари, партия ташкилотларининг секретарлари, колхоз ва МТСларнинг агрономлари, район партия, совет активлари, экономист олимлар, қишлоқ хўжалик министрлиги, область қишлоқ хўжалик бошқармаси ходимлари. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Область комитетининг вакиллари қатнашдилар.

ҲИСОБЛАШНИ УРГАНИШ КЕРАК

Уртасарой район партия комитетининг секретари Ўртоқ Юнусовнинг қилган докладини қисқача «ҳисоблашни ўрганиш керак» деб атаса бўлади. Бу ҳисоблаш «ўртача» рақамлар блан эмас, балки ҳарбир конкрет иш бўйича, ҳарбир экин бўйича олиб борилиши керак, токи даромади юқори бўлган илғор хўжаликлардаги рационал экономикани ўрганиб олиш мумкин бўлсин.

Докладнинг материаллари ва жадваллари колхоз экономикасининг барча томонларини ўз ичига тўла олмаса ҳам ишлабчиқариш ҳаражатларини камайтиралиган, лекин фойдаланилмаётган бирқатор резервларни бирмунча мукаммал очиб берди.

Ўтган йили район колхозлари ҳар гектар ердан олинган ҳосилни 1954 йилга нисбатан 4 центнердан оширдилар, давлат пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажардилар. Шу блан бирга, улар муайян маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган бевосита меҳнатни ҳам анча тежашга эришдилар. Агар 1954 йилда район бўйича ҳар центнер пахта етиштириш учун ўрта ҳисобда 10,2 меҳнат куни сарфланган бўлса, ўтган йили 7,9 меҳнат куни сарфланди. Ўртача рақамни ҳисобга олмаганимизда аҳвол қандай бўлди? Буни биз уч колхоз мисолида кўриб чиқамиз.

Колхозларнинг номи	Ҳар гектар ер ҳосили (центнер ҳисобида)	Ҳар гектар ерга сарфланган меҳнат кунлари	Ҳар центнер пахтага сарфланган меҳнат кунлари
„Полярная Звезда“	29,2	234	8,0
Свердлов номли колхоз	25,1	202	8,1
„Коммунизм“	18,0	198	11,0

Уччала колхозда ҳам ҳар гектар ер ва ҳар центнер пахта учун анча кўп меҳнат сарфланган.

Нима учун меҳнат кўп сарфланган, пахтачиликда ишлаган колхозчиларга ёзилган меҳнат куни айрим даврлар бўйича қандай тақсимланган? Масалан, Свердлов номли колхозда пахта далаларида ишлаган колхозчиларга (бунга бригада бошлиқлари ва табельчилар кирмайди) ўтган йили 179 минг 630 меҳнат куни ёзилган. Бунинг 16,1 процента чигит экишдан олдин қилинадиган ишларга, 40,4 процента чигит экиш ва ғўза парвариши давридаги ишларга, 43,5 процента пахта йиғим-терими олдидан қилинган ишларга ва пахта йиғим-теримга сарфланган. Йиғим-терим давридаги меҳнат кунларининг 37,6 процента пахтани қўл блан теришга кетган.

Қўл меҳнати айниқса ғўза парваришни ва пахта йиғим-терим даврида кўп сарфланишининг сабаби шуки, планлаштириш етарли даражада аниқ бўлмаган ва нормалаштириш тўғри уюштирилмаган. Буни анализлар очиқ кўрсатди.

Агротехниканинг прогрессив усулларини қўлланиб, чигитни торқаторлаб ва квадрат-уялаб экиш ҳамда ғўза қатор оралариии икки томонлама ишлаш машиналар блан бажариладиган ишлар ҳажмини анча кўпайтирди. Шунга биноан қўл меҳнати сарфланиши ҳам камайиши керак. Бироқ, ўтган йили Уртасарой районининг колхозларида кўпгина майдонларда ғўза қатор оралари икки томонлама ишланишига қарамасдан қўл меҳнати, иш нормалари ва баҳолари машиналар блан қилинган иш ҳажмининг кўпайганлигига етарли даражада мувофиқлаштирилмаган. Ишни планлаштиришда ҳарбир далачилик бригадасида ғўза парваришини механизациялаштириш даражаси эътиборга олинмаган. Бу ҳам меҳнат кунларининг ортиқча сарфланишига сабаб бўлган.

Экинни парвариш қилишда трактор ишларининг ортиқча бўлиб кетиши натижасида ҳам ҳаражатлар кўпайиб кетади. Планлаштиришда пухта ўйлаб кўрилмаслик, культивация сифати учун курашмаслик натижасида ана шундай ҳоллар юз берган.

Маҳсулот таннархига қаттиқ таъсир этадиган кўпгина бевосита ва билвосита қилинадиган ортиқча ҳаражатлар ҳам бор. Колхозни бошқариш ва хизмат кўрсатиш аппаратининг катта бўлиб кетиши, менирал ўғитларни, ёқилғи ва мойлаш материалларини сарфлашда хўжасизликка йўл қўйиш, қоп-қанор ва майда асбоблар сотиб олиш учун кўп пул сарфлаш ана шундай ортиқча ҳаражатлар жумласига киради.

Колхозлар пахта териш машиналаридан фойдаланмайдилар-да, теримга четдан одам оладилар ва бунга кўп маблағ сарф этадилар. Шу блан бирга, пахтани машинада териш учун далани тайёрлашга ҳам маблағ сарфлайдилар.

Конференцияга тайёргарлик кўриш вақтида қилинган ҳисоблашлар колхоз раҳбарларининг ҳам, район раҳбарларининг ҳам ишлаб чиқариш ҳаражатларини тарқиб этадиган детальларга кам эътибор бериб келаётганликларини кўрсатди.

Қишлоқ хўжалигининг ҳарбир соҳаси даромад келтириши керак. Ўз-ўзидан маълумки, колхозда чорвачилик ҳам сердаромад тармоқ бўлиши лозим. Лекин шунга қарамасдан бирқатор колхозларда чорвачиликнинг айрим турларидан ҳеч қандай фойда олинмаётир.

1955 йилда «Полярная Звезда» колхозида чорвачиликдан олинган даромад қилинган пул ва материал ҳаражатлари суммасидан 88,9 минг сўм ортиқ бўлган, Свердлов номли ва «Коммунизм» колхозларида эса чорвачилик учун қилинган ҳаражатлар олинган ялпи маҳсулотнинг ҳарбир сўми учун 10 сўм 50 тийиндан ҳаражат қилинган.

Бунинг сабаби шуки, колхозда чорвачиликнинг қайси тури фойдали бўлиши тўғрисида жиддий ўйлаб кўрмаганлар. Колхозда сут чорвачилиги ва чўчқачиликни кенг ривожлантириш имконияти бўлгани ҳолда кам маҳсул моллар асралиб келинмоқда. Ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, «Полярная Звезда» колхозида чорвачиликдан олинган ялпи даромад унга қилинган ҳаражатдан ошиб кетган бўлса ҳам, лекин қорамолларнинг бир центнер гўшти учун 658 сўмдан сарфланиб, бунинг бадалига 469 сўмдан даромад қилинган. Шундай қилиб, ҳар центнер гўшт етиштиришда 189 сўмдан зарар кўрилган. Айни вақтда колхоз ҳар центнер чўчқа маҳсулотидан 383 сўмдан фойда олган.

Чорвачиликдан олинаётган даромаднинг камлигининг яна бир сабаби шуки, емхашак базаси яхши уюштирилмаган, емхашак таннархи анча қиммат. Ўтган йили яхши парвариш бўлмаганлиги учун маккажўхори ва беда экинларидан кам ҳосил олинган. Баҳорикор ерларда арзон емхашак етиштириш имкониятларидан етарли фойдаланилмаётир. Ем-хашак сотиб олиш учун ҳам кўп пул сарфланади. Бунинг устига ем-хашакни сарфлашда хўжасизликка йўл қўйилади. Кўпинча тузилган ем-хашак едириш расчетлари бир миқдор маҳсулот етиштириш учун талаб этилган миқдордан 3 — 4 баравар ортиб кетади.

АМАЛИЙ ХУЛОСАЛАР

Докладда ва конференция қатнашчиларининг нутқларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот етиштириш ва колхоз даромадини кўпайтириш, бир миқдор пахта, чорвачилик ва бошқа маҳсулотларни етиштиришга сарфланадиган ҳаражатларни камайтиришга доир яна бирқанча муҳим масалалар тўғрисида ҳам фикрлар баён этилди.

Конференцияга тайёргарлик кўришнинг муҳим натижаси шу бўлдики, колхоз раҳбарлари мутахассис экономистлар ёрдами блан, гарчи тўла бўлмаса ҳам колхозга бир центнер пахта, гўшт, сут ва жуннинг қанчага тушишини ҳисоблаб кўрдилар, маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган ҳаражатни камайтириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқдилар.

Конференцияда чиқиб сўзлаган «Полярная Звезда» колхози партия ташкилотининг секретари Ўртоқ С. Е. Нам экономистлар ёрдами блан қилинган ҳисоб-китоблар колхоз раҳбарларининг кўзини анча очиб қўйди, дейди. Колхозда ўринсиз ҳаражатларни бир мунча қисқартириш, ҳарбир иш учун белгиланган иш нормалари ва баҳоларини қайтадан кўриб чиқишга қарор қилинган. Бу йил колхознинг ма'мурий-бошқарма аппарати 20 кишига қисқартирилади. Пахтачилик ва чорвачиликда қилинадиган ишларга сарфланадиган меҳнат кунлари плани жиддий равишда қайта қурилиб чиқилади. Шу блан бирга, механизация блан қилинадиган ишларнинг сифатини ошириш ҳисобига пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин равишда кўпайтириш учун кураш олиб борилади. Ўртоқ Нам колхоз бригада бошлиғининг роли тўғрисида гапирганида ўрта ва тўлиқсиз ўрта ма'лумотга эга бўлган, ўзининг ташкилотчилик қобилиятини кўрсатиб келаётган ёш колхозчилардан маҳсус бригада бошлиқлари тайёрлаш зарурлигини айтди.

Свердлов номли колхозининг агрономи Ўртоқ У. Хўжаев ўз сўзида бу колхозда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳаражатларини камайтириш учун қандай тадбирлар амалга оширилаётганлиги тўғрисида гапириб берди. Колхозда ма'мурий-бошқарма аппарати қисқартирилган. Учта полеводлик лавозими ва колхоз раисининг чорвачилик бўйича ўринбосари лавозими тугатилган, далачилик бригадалари йириклаштирилган. Ўтган йили 16 далачилик бригадаси бўлса, бу йил 12 бригада бўлади. Ма'мурий-бошқарма аппаратининг қисқартирилиши натижасида бу йил ўтган йилга нисбатан 13 минг меҳнат куни тежалади. Бундан ташқари, ма'мурий-бошқарма аппаратидан бўшаган ходимлар ҳисобига қурилиш бригадаси ташкил этиш мумкин бўлади. Бу эса қурилишда четдан чақирилган кишиларга ортиқча маблағ сарф қилмасликка имкон беради. Ҳозир пахта етиштиришда механизациянинг қўлланилиши даражасига қараб ҳарбир далачилик бригадаси бўйича меҳнат кунлари сарфлаш плани тузилмоқда. Бу йил ҳарбир центнер пахта учун ўрта ҳисобда 3,5—5 меҳнат куни сарфлаш планлаштирилмоқда. Чорвачилик соҳасидаги ишлар плани ҳам ҳар томонлама ўйланиб, пухта қилиб тузилади.

ТРАКТОР БРИГАДАЛАРИ ЙИРИКЛАШТИРИЛАДИ

Конференция қатнашчилари томонидан кўтарилган МТС ва трактор бригадалари ишларини ташкил этишни яхшилаш тўғрисидаги масала ҳам жиддий эътиборга сазовордир. Нам ва Хўжаев ўртоқлар трактор бригадаларининг мавжуд ташкилий структурасини ва тракторчиларга ҳақ тўлаш системасини қайта кўриб чиқиш вақти келганлигини таъкидладилар.

— Бизнинг колхозда, — дейди ўртоқ Нам, — учта трактор бригадаси бор. Бу— учта бригадир, учта ёрдамчи бригадир ва учта учетчик ишлайди, деган сўздир. Ўтган йили улар ишлаган меҳнат кунлари учун 884 минг сўм пул тўланди, 447 центнер дон берилди. Ахир трактор бригадасини йириклаштириб, уларга хизмат кўрсатадиган ходимлар учун қилинадиган ҳаражатларни камайтириш мумкин эмасми?

Агроном Ўртоқ Хўжаев, механизаторларга ҳақ тўлаш системасида кўпгина камчиликлар бор, дейди. Масалан, трактор битта далада ишлайди. Айни вақтда фақат тракторчининг ўзигагина эмас, балки трактор бригадасининг бошлиғига ва унинг ёрдамчисига ҳам меҳнат кунлари ёзилади. Ҳолбуки, улар далада эмас, балки МТСда юрадилар. Тракторчиларга прогрессив ҳақ тўлаш миқдори ғоят баланд. Уни ҳисоблашда суюсистемолга йўл қўйилади.

Уртасарой районидаги 1-нчи МТС директори Ўртоқ С. Ёдгоров ҳам трактор бригадаларини йириклаштириш ва унумсиз харажатларни камайтириш тўғрисидаги таклифларни қувватлади. У МТС да бу ишнинг бошланғичини айтди. Масалан, Охунбоббев номли колхоздаги иккита трактор бригадаси қўшилиб битта бригада ташкил этилган. Бригадага хизмат кўрсатучи ходимлар сони 7 кишидан уч кишига келтирилган. Унумсиз харажатлар камайиши блан бригадаги ишлар яхши бораётир. Пахтани машинада териш ҳаражатларини камайтириш учун бу йил терим машиналар трактор бригадаларига берилмасдан, 15 агрегатдан иборат группа ташкил этилади, бу группага битта участка механиги ва битта учетчик хизмат кўрсатади.

Трактор бригадаларини йириклаштириш вақти келган, бу масаланинг тезда ҳал этилиши талаб қилинади.

КОЛХОЗЛАРДА ЭКОНОМИСТЛАР БУЛИШИ КЕРАК

Конференцияда ишлабчиқариш ходимлари ҳам, экономист олимлар ҳам чиқиб сўзладилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг директори И. Тогоев, Ўзбекистон Қорвачилик илмий-текшириш институтининг илмий ходими К. Лапкин, республика қишлоқ хўжалик министрлиги оргколхоз бошқармасининг бўлим мудири Л. Гамбург ўртоқларнинг сўзларини конференция қатнашчилари анча қизиқиш блан тингладилар. Улар конференцияга тайёргарлик кўриш даврида қилинган ишлар тўғрисида сўзлаб бердилар. Бунда колхоз хўжалиги ҳарбир соҳасининг фойдалилигини ўрганиш юзасидан, маҳсулот етиштириш харажатларини камайтириш юзасидан яхшигина маслаҳатлар берилган.

Колхоз раҳбарлари ўз сўзларида конференцияга тайёргарлик ишларининг борши давомида ҳарбир колхозда планлаштириш, нормалаштириш, ишлабчиқариш харажатларини ҳисобга олиш, меҳнат ва материал сарфларини контроль қилиш ишларини тўғри ташкил этиш учун ҳарбир колхозда малакали экономист — плановиклар бўлиши зарурлигига тўла ишонч ҳосил қилганликларини айтдилар.

Конференцияда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ О. А. Алимов сўзлади.

* * *

Уртасарой районида бўлиб ўтган иқтисодий конференция катта аҳамиятга эгадир. Конференцияда белгиланган тадбирлар колхозларда меҳнат ва материал харажатларини камайтиришда, пахта, чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда катта фойда келтиради.

Лекин баъзибир масалалар ҳали ҳам аниқланмай қолди. Қисман колхозда бир миқдор пахта ва бошқа экинлар ҳосилини етиштириш учун меҳнат, материал ва пул харажатларини қандай ҳисоблаш кераклиги тўғрисида аниқ бир фикр айтилмади. Бундан кейин бу масалалар блан жиддий шуғулланиш — экономистларимизнинг биринчи даражали вазифаси бўлиши керак.

Чигит экиш бошланди



БЕКОБОД, (Телефон орқали олинди). Сўнгги кунларда ҳаво исиб, ер етилабошлади. Кўпгина районларнинг поёнсиз пахта далаларида дастлабки экиш ишлари бошлаб юборилди. Бекобод районидаги «Большевик», Маленков номли, Дзержинский номли колхозларнинг пахтакорлари ва бу колхозларда хизмат қилаётган механизаторлар пухта тайёргарлик кўрган ҳолда етилган ерларга чигит экабошладилар.

«Большевик» колхозининг ўртоқ Эргаш Алиқулов бошлиқ бригадаси чигит экишга биринчи бўлиб киришди. Бу бригада 5 гектар ерга чигитни квадрат-уялаб экди.

Республикамизда донгдор ҳисобланган Дзержинский номли гигант колхоз даласида ҳаёт қайнайди. Кеча пахта майдонига 10 дан ортиқ «универсал» чиқди. Колхозчилар ва механизаторлар чигит экишни энг қулай агротехнина муддатларида ўтказиш учун барча тадбирларни кўрмоқдалар.

Шуниигдек, районда маккажўхори экиш ҳам кунсайин қизғин тус олаётир. Ленин номли колхоз март ойининг охирги 10 кунлигида 15 гектар ерга квадрат-уялаб маккажўхори экиан эди. Ҳозир ана шу ерлардаги маккажўхори текис униб чиқмоқда.

Бекобод районидаги илғор колхозлар ва совхозлар эрта-индин чигит экишни ялпи бошлаб юбориш учун ерларни экишга тайёрлаш — молалаш, бороналашни хартарафлама кучайтирмоқдалар. «Большевик», Маленков номли, Дзержинский номли колхозларнинг аъзолари 10 — 12 кунда барча ерларга чигит экиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Суратда: «Большевик» колхози далаларида чигит экиш пайти.

А. Ким фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўртоқ А. Ажанбоев бошлиқ звено аъзолари чигит экишни тугалладилар

«Победа» колхозининг меҳнатсевар аъзолари Верхне-волинск районида биринчи бўлиб чигит экишга киришдилар. Бригадалараро социалистик мусобақада ғолиб чиққан Ўртоқ Мемет Бекиров бошлиқ бригада аъзолари пахта майдонларини чигит экишга ҳаммадан олдин тайёрлаб 30 март куни чигит экишни бошлаб юбордилар. Чигит экишда 1-нчи МТС механизаторларидан В. Гардеев, Т. Ҳожиқбоев ўртоқлар зўр ташаббус кўрсатаётирлар. Улар ўртоқ М. Бекиров бошлиқ бригаданинг А. Ажанбоев бошқараётган звеносининг 12 гектар пахта майдонига чигитни янги, прогрессив усулда 50Х50 схемасида экиб бўладилар.

Колхоз аъзолари чигит экишни белгиланган муддатда ўтказиб, барча майдонларда уруғни ёппасига текис ундириб олиш учун курашаётирлар.

К. КУРБОНБОЕВ.

Чинозлилар чигит экишни кучайтириш тадбирларини кўрмоқдалар

Чиноз районидаги бирқанча колхозлар кейинги ёмғирдан олдин чигит экишга киришган эдилар. Аммо сўнгги кунларда бўлган ёғингарчилик бу ишни тўхтатиб қўйган эди. Шундан кейин ҳам илғор колхозларнинг аъзолари дала ишларини сусайтирмадилар. Ерларни бороналаш, ўватларни текислаш ва бошқа ишлар жадал сур'ат блан олиб борилди. Ҳаво жўнашиб кетган ҳозирги кунларда Сталин номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозларининг аъзолари чигит экишни бошлаб юбордилар.

Илғор колхозлар чигит экишга киришишдан олдин, ерларни сифатли қилиб тайёрладилар. Сталин номли колхоз 495 гектар, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози 400 гектар ерни чигит экишга сифатли тайёрлаб қўйди.

Район пахтакорлари ва механизаторлари тайёргарлик ишларини кучайтириб, шу кунгача 3 минг гектар ерни текис қилиб қўйдилар. Эртадан бошлаб, «Қизил Октябрь», Шверник номли колхозларда ҳам чигит экиш бошлаб юборилади.

Чиноз районининг илғор колхозлари бу йил кўпгина ерга чигитни квадрат-уялаб экишга қарор қилганлар. Бу мураккаб ишни муваффақиятли ўтказиш учун механизаторлар экипаж аъзолари блан ҳамкорликда меҳнат қилиб, ўз вазифаларини шараф блан бажариш учун курашмоқдалар.

Ирригация-мелиорация ишларига яхши эътибор берилмаётир

Областимизнинг барча колхозчилари, МТС, совхоз ишчи-хизматчилари ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассислари олдида бу йил пахтадан, жут ва каноддан, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришдек катта ва масъулиятли вазифа турипти. Ана шу вазифани шараф блан бажариш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга эришиш зарур. Бунинг учун аввало суғориладиган ерлардаги коллектор-зовурларни тозалаш, гидротехник иншоотларни ремонтдан чиқариш ва янгиларини қуриш ишларига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Ирригация-мелиорация ишларининг белгиланган муддатда сифатли қилиб бажарилиши колхоз, совхоз ҳамда МТС раҳбарларининг, айниқса сув хўжалиги ходимларининг диққат марказида бўлиши лозим.

Шу кечаю-кундузда олиб борилаётган коллектор-зовур шохобчаларини ҳамда хўжаликлараро ва хўжаликдар ичидаги суғориш тармоқларини мавсумга тайёрлаш ишлари кўпгина колхозларда сифатли ўтказилмоқда. Лекин бирқанча районлар, колхоз ва совхозларда ирригация-мелиорация ишларига ўтакетган даражада совуққонлик блан қаралмоқда.

Верхне-волинск, Бўстонлиқ, Сирдар'ё, Пискент, Бўка ва Оҳангарон районларининг колхозларида ирригация-мелиорация ишлари айниқса қониқарсиз олиб борилмоқда. Бундай ҳолни областимизнинг бирқатор пахтачилик совхозларида ҳам кўриш мумкин.

Райондаги колхоз ва совхоз раҳбарлари экиш кампаниясига саноқли кунлар қолишига қарамай, ирригация ва мелиорация ишларини ўринсиз равишда кечиктириб юбораётирлар. Бекобод районидаги колхозларнинг ишлабчиқариш участкаларида ер ишлари 120 процент қилиб бажарилган. Бироқ, иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган колхозларда суғориш тармоқлари шу вақтга қадар тозаланиб бўлинмаган. Буни Крупская номли, Булганин номли, Киров номли ва «Социализм» колхозлари мисолида кўриш мумкин. Райондаги пахтачилик совхозларининг хўжаликлараро суғориш тармоқлари, айниқса йирик магистрал каналларини тозалаш ишлари мутлақо талабга жавоб бермайди. Суғориш тармоқларини белгиланган муддатларда тайёрламаслик суғориш ишларини ўз вақтида ўтказишга тўсқинлик қилади. Райондаги хўжаликлараро суғориш тармоқларини тозалаш ишлари шу вақтга қадар 44 процент бажарилган, холос. Айниқса «1-нчи Далварзин» совхозида (директори Ўртоқ Хомич) ер ишларининг бажарилиши қониқарсиз бўлиб, эндигина 20 процент бажарилди. Бундай аҳволни «1-нчи Боёвут», «3-нчи Боёвут» совхозларида ҳам кўриш мумкин.

Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда қишлоқ хўжалик бошқармаларининг ходимлари ирригация-мелиорация ишлари олиб борилаётган ҳозирги вақтда контроль ва талабчанликни сусайтириб юбордилар. Область суғориш бошқармасининг раҳбарлари (Подвоков ва Ронин Ўртоқлар) жойлардаги ҳақиқий аҳвол блан яқиндан таниш эмаслар. Коллектор-зовур шохобчаларини тозалаш, гидротехник иншоотларни ремонт қилиш ва янгидан қуриш ишларига етарли эътибор бермаётирлар. Улар ер қазиш машиналарини биринчи навбатда зарур бўлган об'ектларга юбормайдилар, кўплаб машиналарнинг ишсиз туриб қолишига, бекордан-бекорга уёқдан-буёққа юришига йўл қўйиб келмоқдалар. Масалан, Далварзин каналининг ўнг тармоғидаги шохобчасида тўртта экскаватор иш майдонининг белгилаб берилмаганлиги сабабли беш кун бекор турди. Ишлаётганлари устидан жиддий контроль ўрнатилмаганн сабабли кундалик нормаларни бажармаслик одат тусига кириб қолган. Иқтисодий жиҳатдан камқувват бўлган Боёвут районидаги Сталин номли колхозда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ишлаётган иккита экскаватор шу кунгача белгиланган планни энди 20 процент бажарган.

Сув иншоатларини ремонт қилиш ва янгидан қуриш ишларида техник контролёр нома'лум сабабларга кўра қатнашмаётир. Область сув хўжалик ходимлари томонидан жойлардаги ҳақиқий аҳвол ўрганилмаётир, йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ўша ернинг ўзида бартараф қилинмаётир. Аҳволни яхшилаш тўғрисида кўплаб ва'далар берилмоқдаки, аммо ремонт қилиш ва янгидан қуриш ишлари ўринсиз равишда кечиктириб юборилмоқда. Бунга Киров каналининг ўнг тармоғидаги учта иншоатни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги кундаги асосий вазифа—барча модлй-техникани ҳамда механизаторларни ирригация-мелиорация ишларига тўла жалб қилиб, қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун кўклам экиш кампаниясини шайланиб кутиб олишдир.

Ф. ФЕДОРОВ.

ҚЎШНИЛАРГА АМАЛИЙ ЁРДАМ

Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхоз блан Молотов номли колхозлар ёнма-ён территорияга жойлашганлар. Улар кўшни. Ҳар иккала колхознинг ҳам тупроқ ва сув шароитида унчалик фарқ йўқ. Уларнинг ҳар иккаласига ҳам битта МТС хизмат қилади.

Лекин бу колхозларнинг ишида жуда катта фарқ бор. Масалан, Ворошилов номли колхоз аъзолари 1955 йилда 840 гектар ернинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил етиштиргаи бўлсалар, Молотов номли колхоз аъзолари 19,6 центнердан пахта олдилар. Демак Молотов номли колхоз камҳосилли, қолоқ колхоз.

— Қишлоқ хўжалигининг умумий кўтарилишига эришмоқ учун,—деди Ворошилов номли колхознинг раиси Ўртоқ Норматов,—барча колхозларда ҳам ишлабчиқаришни намунали уюштириш керак. Агар бир колхоз илғор, иккинчиси қолоқ бўлса, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириб бўлмайди. Шунинг учун биз қолоқ колхозларга нисбатан индамай турaолмаймиз. Буни эътиборга олиш колхозимиз аъзолари Молотов номли колхозга ёрдам беришга қарор қилдилар.

Ворошилов номли колхоз аъзолари камқувват қўшни колхозга фақат бу йил ёрдам бераётганлари йўқ, улар ўтган йил қўшни Петров номли колхозга ҳам ёрдам берган эдилар. Дала ишларини ташкил этишда оталиқдаги колхоз аъзоларига ўз тажрибаларини ўргатдилар. Уста сувчилардан Йўлдош Ражабов, Исоқ Мад'ёров ўртоқлар Петров номли колхоз сувчиларининг ишидан доим хабар олиб турдилар. Ғўзани суғориш даври бошланганда Петров номли колхозга кўп миқдорда чим келтиришга тўғри келиб қолди. Ворошилов номли колхоз правлениеси бунинг учун 7 машина ажратиб, 13 кунда етарли миқдорда чим етказиб беришда ёрдам қилди. Ғўза қатор ораларини ишлашда бирмунча кечикиш ҳоллари рўй берган эди. Шунда Ворошилов номли колхоздан юзлаб кетмончилар бориб, бирнеча кунда ғўзанинг ўсиш ва ривожланишини нормал ҳолга келтиришга эришдилар.

Ворошилов номли колхоз правлениеси Молотов номли колхозга аванс, минерал ўғит сотиб олиш ва бошқа чиқимлар учун пул ҳам қарз берди.

Бу ёрдамлар зой'и кетмади. Петров номли колхозда ўтган йил ҳар гектар ер ҳосили 4 центнердан оширилди ва давлат пахта тайёрлаш плани оширилди. Колхоз ўзини анча тиклаб олди.

Ворошилов номли колхоз аъзолари бу йил Молотов номли колхозга ҳам шундай амалий ёрдам беришга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Ҳозир бу колхозга ёрдам бериш тадбирлари белгиланмоқда. Яқин кунларда Ворошилов номли колхоз аъзоларидан бир группа тажрибакор пахтакорлар Молотов номли колхозга бориб, унинг ишлари блан батафсил танишадилар. Ҳозирдан бошлаб Молотов номли колхозга маслаҳат ва ёрдам бериш учун тажрибали бригада ва звено бошлиқлари, сувчилар ва бошқа уста пахтакорлар ажратилди.

Шубҳа йўқки, Ворошилов номли колхоз аъзоларининг бу йилги ташаббуслари ҳам анча ижобий натижа беради. Агар Молотов номли колхоз аъзолари қўшнилари бераётган бу ёрдамлардан тўла ва ўринли фойдаланиб уюшқоқлик блан меҳнат қилсалар, улар ҳам ўз колхозларини тезда қолоқликдан чиқариб оладилар.

И. АҲМЕТОВ.

Қуролсизланиш проблемасини ҳал этиш йўлидаги янги қадам

ЛОНДОН, 4 апрель, (ТАСС). 19 мартда Лондонда БМТ Қуролсизланиш комиссияси Кичик комитетининг мажлислари яна бошланганлиги илгари матбуотда хабар қилинган эди. АҚШ, СССР, Англия, Франция ва Канада вакиллари қатнашаётган бу кичик комитетнинг иши илгари ҳеч қачон халқаро жамоатчилик э'тиборини ҳозиргидагидек бунчалик ўзига жалб қилмаган эди. Бу ажабланарли эмас. Қуролсизланиш проблемасини ҳал этишдан дун'ёдаги ҳамма халқлар жуда манфаатдордирлар. Янги уруш хавфини кескинлаштираётган ва халқлар гардонига оғир юк бўлиб тушаётган зўр бериб қуролланишни тўхтатиш—ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемаларидан биридир. Тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш иши кўп жиҳатдан ана шу проблеманинг ҳал этилишига боғлиқдир.

Совет ҳукуматининг қуролсизланиш масаласида тутиб келаётган позицияси жуда яхши аёндир. Совет Иттифоқи ҳамиша қуролсизланиш тарафдори ва атом ҳамда водород қуролини тамомила тақиқлаш тарафдори бўлиб келди ва бундан буён ҳам ана шундай тарафдор бўлиб қолади. Совет ҳукумати қуролсизланиш проблемасини энг муҳим халқаро проблема деб ҳисоблаб, ана шу мақсадга эришиш учун бирнеча йиллардан буён курашиб келмоқда. Совет Иттифоқи яхши ният блан иш кўриб ва чинакам қуролсизланиш учун курашиб, 1955 йил 10 майдаги ма'лум таклифида позицияларни бир-бирига яқинлаштириш йўлида муҳим қадамларни қўйди, ғарбий давлатларнинг қуролли кучларнинг миқдорини белгилаш ҳамда атом қуролини тўла тақиқлаш ҳақидаги битим кучга кирадиган муддатларни белгилаш тўғрисидаги бирқанча таклифларига қўшилди.

Шунга қарамай, қуролсизланиш масаласини тўхтаб қолган жойидан силжитиш мумкин бўлмади. «Таймс» газетасининг қайд қилиб ўтишича, Англия вакили Наттинг Кичик комитетнинг мажлисини очатуриб, қуролсизланиш проблемаси 10 йилдан ҳам кўпроқ вақтдан бери муҳокама қилиниб келинаётганлигини ва шу вақт ичида «биз ҳақиқий битимга келишга жуда озгина яқинлашдик» деб эслатиб ўтган.

Битимга келинишига нима халақит берди? Шуни э'тироф қилиш керакки, атом қуроли масаласида манфаатдор давлатлар ўртасида ихтилофлар юз берганлиги асосий тўсиқлардан бири бўлди. Қуролсизланишга қарши чиқаётганлар ана шу масалани ҳал этишдаги қийинчиликлардан қуролсизланиш ҳақидаги бутун проблемани ҳал этишни барбод қилиш учун фойдаландилар.

Совет Иттифоқи атом қуролини дарҳол ва сўзсиз тақиқлашни таклиф этганида, ғарбий давлатларнинг вакиллари бу таклифни ўзлари учун мақбул эмас деб э'лон қилдилар. Улар, атом қуроли ғарбий давлатларнинг оддий қурол-яроғлар соҳасида Совет Иттифоқидан гўё «орқада қолганлигини» қоплайдиган қурол хизматини ўтайди, деган баҳона блан атом қуролини тақиқлашга қарши чиқдилар. Шу блан бирга улар қуролли кучларнинг миқдорини белгилаш зарур деб талаб қилдилар. Қуролли кучлар миқдорининг белгиланиши, уларнинг айтишича, «мувозанатни» та'минлаб бериши мумкин экан.

Ма'лумки, Совет Иттифоқи 1955 йил 10 майдаги таклифида қуролли кучларнинг миқдори ҳақидаги ғарбий давлатларнинг таклифини қабул қилди. Шу блан атом қуролининг тақиқланишига қарши қилинаётган э'тирозлар олиб ташланиши керак эди. Броқ ғарбий давлатлар атом қуролининг тақиқланишига қарши янги э'тирозларни қўйдилар. Бу гал давлатларнинг атом қуролини тақиқлаш юзасидан олган мажбуриятларини бажаришлари устидан яхши контроль қилиб туриш ишидаги техник қийинчиликларни писанда қилдилар. Натижада қуролсизланиш проблемасини ҳал этиш тўхтаб қолган жойидан нари силжимади. Кичик комитет а'золари олдида юз берган аҳволдан қутилиш йўлини қидириб топиш вазифаси кўндаланг бўлиб қолди, чунки Бош Ассамблея комитетга қуролсизланиш тўғрисида битимга келиш йўлидаги куч-ғайратни давом эттиришни яна топширди.

Кичик комитет ўз мажлисларини яна бошлаган вақтда ғарбий давлатлар қандай таклифларни тақдим этдилар? Англия матбуотида хабар берилишича, Франция блан Англия 19 мартда Кичик комитет муҳокамасига янги таклифлар тақдим этганлар. «Манчестер гардиан» газетаси Франция блан Англия тақдим этган бу ҳужжатни шарҳлаб, «бу ҳужжат янги радикал таклифларни ёки принципларни ўз ичига олмайди» деб қайд қилиб ўтган эди. Газета ўз сўзини охиригача етказмайди. Ҳақиқат манфаатларини кўзлаб шуни айтиш керакки, инглиз матбуотида э'лон қилинган француз-инглиз планининг текисти блан танишиб чиққанда, бу планнинг янги таклифларни ёки принципларни ўз ичига олиши уёқда турсин, ҳатто амалда ба'зи жиҳатдан орқага қайтишдан иборат эканлигини билиб олиш қийин эмас. Бу даставвал атом қуроли масаласига таааллуқлидир. Матбуот шу фактга э'тиборни жалб қилмоқдаки, «Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишича, француз-инглиз таклифида «атом қуролининг мавжуд запасларини йўқ қилиш масаласи қасддан тушириб қолдирилган ва бу масалани ҳал этиш «нома'лум вақтга» суриб қўйилган.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг бу хулосасига қўшилмасдан мумкин эмас.

Гарчи француз-инглиз таклифида атом қуролини тақиқлаш масаласи тилга олинса ҳам, уни йўқ қилиш ва давлатларнинг қурол-яроғлари қаторидан чиқариб ташлаш масаласини муҳокама қилиш бутун қуролсизланиш программаси бажарилиб бўлгунга қадар кечиктирилиб қўйилади, шу блан бирга бу программанинг бажарилиши ҳеч қандай муайян муддатлар блан чеклаб қўйилмаган. Бунинг устига, матбуотда ёзилишига қараганда, бу таклифларнинг авторлари контроль қилиб туришдаги техник қийинчиликларни баҳона қилиб, бу масаланинг ҳал этилаолишига ўзлари шубҳа блан қарамоқдалар.

Яна шу фактдан ҳам кўз юмиб бўлмайдики, француз-инглиз планидаги таклиф—давлатлар атом қуролини ишлатмаслик мажбуриятини ўз зиммаларига олишлари керак, деган таклиф блан бир қаторда, «агрессияга қарши ҳимоя қилиш» баҳонаси блан атом қуролини ишлатиш мумкин деган шарт қўйилади. Ма'лумки, хавфсизлик кенгаши агрессия қилиниши ва тинчликнинг бузилиши ҳақидаги фактни белгилайдиган бирдан-бир мухтор орган ҳисобланади. Шунга қарамай бу план хавфсизлик кенгашини четлаб ўтади. Агрессия тушунчасини белгилаб бериш тўғрисида битим бўлмаган ва хавфсизлик Кенгаши четлаб ўтилган бир вақтда, мана бу хил шартнинг қўйилиши ўзбошимчалик эшигини очиб қўяди. Шу блан агрессив давлат бундан қирғинчиликдан иборат атом уруши бошлаш учун фойдаланиши мумкин. Шундай қилиб, аслда атом қуролини ишлатиш легаллаштирилиб қўйилади.

Қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш масаласига келганда, жумладан, «Манчестер гардиан» газетасининг қайд қилиб ўтишича, француз-инглиз таклифи «буюк давлатларнинг қуролли кучлари учун белгиланиши лозим бўлган қат'ий миқдор тўғрисидаги аниқ рақамларни» ўз ичига олмайди. Ана шу сабабли, таклифга биноан давлатлар ўз зиммасига олиши лозим бўлган мажбуриятлар аслда шартли характердадир.

19 мартдаги француз-инглиз таклифи қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги музокараларда юз берган қийинчиликларни йўқотмайди. Бунинг устига, француз-инглиз таклифи атом қуролини йўқотиш тўғрисидаги ва уни давлатларнинг қурол-яроғлари қаторидан чиқариб ташлаш ҳақидаги энг муҳим масалада, шунингдек бошқа бирқанча масалаларда орқага чекиниб, бу масала юзасидан манфаатдор давлатларнинг позицияларида бўлган ихтилофларни чуқурлаштиради ва, демак, бутун қуролсизланиш проблемаси бўйича битимга келишни қийинлаштиради.

Қуролсизланиш проблемасини муҳокама қилиш тажрибаси шуни кўрсатдики, бу масала юзасидан келишиш йўлида икки масаланинг, я'ни оддий қурол-яроғлар ҳақидаги масала блан атом қуроли ҳақидаги масаланинг бир-бирига боғлаб қўйилиши жиддий ғов бўлди. Шу муносабат блан бундан аввал ҳам, дастлаб қуролли кучларни ва оддий типдаги қурол-яроғларни камайтириш ҳақидаги масала юзасидан келишиш керак, чунки бу масалани ҳал қилиш атом қуроли ҳақидаги масалани ҳал этишдек унча мураккаб эмас, деган мулоҳазалар айтилган эди. Масалан, тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг Женева кенгашида Англия ҳукуматининг вакили Макмиллан ана шуни кўрсатиб ўтган эди.

Совет ҳукумати бўлиб ўтган музокараларнинг тажрибасини э'тиборга олиб, 27 мартда кичик комитетга таклиф киритди. Бу таклифда қуролсизланиш проблемасини ҳал этишга янгича қараш таклиф этилади. Бу янгича қарашнинг хусусияти шундан иборатки, Совет Иттифоқи оддий қурол-яроғлар ҳақидаги масала юзасидан битим тузишни атом қуроли ҳақидаги масала блан боғлиқ қилиб қўймасликни таклиф этмоқда.

Совет Иттифоқининг таклифи француз-инглиз таклифидан фарқ қилиб, давлатларнинг 1956 — 1958 йиллар мобайнида ўз қурол-яроғларини ва қуролли кучларини анча камайтириш юзасидан конкрет мажбуриятлар олишлари лозим, деб кўзда тутади.

Беш буюк давлат қуролли кучларининг камайтириладиган миқдорини белгилаш кўзда тутилади: АҚШ, СССР ва Хитой учун бу миқдор 1 миллиондан бирярим миллион кишигача ва Англия блан Франция учун 650 мингтадан кишигача бўлган миқдорда белгиланади. Бошқа давлатларнинг қуролли кучлари миқдори қурол-яроғларни ва қуролли кучларни ялпи равишда камайтириш юзасидан чақириладиган Жаҳон конференциясида белгиланиши лозим. Шу блан бир вақтда бошқа давлатларнинг қурол-яроғлари ва қуролли кучлари миқдори 150 — 200 минг кишидан ошмаслиги лозим, деб кўзда тутилиши лозим. Шу блан бирга, оддий типдаги қурол-яроғлар ва давлатларнинг ҳарбий эҳтиёжларга қиладиган ҳаражатлари ҳам тегишли даражада камайтирилади. Ҳарбий эҳтиёжларга чиқариладиган маблағларнинг камайтирилиши натижасида бу ҳаражатлардан бўшаган маблағлардан битимда қатнашувчи давлатлар халқларининг фаровонлигини ошириш учун ҳам, шунингдек иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатларга ёрдам бериш учун ҳам фойдаланилиши лозим. Кам тараққий этган мамлакатларга БМТ доирасида уларнинг иқтисодий ривожланишига ёрдам бериш мақсадида кам тараққий этган мамлакатларга ёрдам берадиган махсус фонд та'сис қилиниши лозим.

Совет таклифи қуролли кучларни, оддий типдаги қурол-яроғларни ва ҳарбий эҳтиёжларга чиқариладиган маблағларни камайтириш соҳасидаги ҳамма тадбирларнинг бажарилиши устидан эффектив контроль системаси барпо этишни кўзда тутади. Совет таклифи битимда қатнашувчи давлатларнинг территориясида контроль постлари тузиш йўли блан бир давлатнинг бошқа давлатга қўққисдан ҳужум қилишига йўл қўймаслик вазифасини ҳам ҳал этади.

Агар, қўққисдан бўладиган ҳужумнинг олдини олиш системаси битимда қатнашувчи давлатларнинг ўз чегараларидан ташқарида турган ҳамма қуролли кучлари ва воситаларига жорий қилинмаса, у тақдирда бундай система, албатта эффектив бўлаолмайди. Совет таклифлари ана шундай аҳволни назарга олади ва келишиб қабул қилинган кузатиш системасини, бошқа манфаатдор давлатларнинг розилиги блан, ана шундай бошқа мамлакатлар территориясида турган қуролли кучлар ва воситаларга ҳам жорий қилишни кўзда тутади.

Совет Иттифоқи контроль ва инспекциянинг мукаммал системасини таклиф этмоқдаки, бу система зарур бўлган ҳамма ҳуқуқлар ва ваколатлар блан та'минланади, давлатларнинг битим юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини оғишмай бажаришларини та'минлайолади. Совет таклифидан ма'лум бўлишича, халқаро контроль органи битимда қатнашувчи давлатларнинг пойтахтларида ўз бўлимларини та'сис этади. Бу бўлимларнинг вазифаси ана шу давлатларнинг ҳукумат органлари блан алоқа қилиб туриш, уларнинг территориясида иш кўраётган контроль постлари ва инспекторларнинг ишига раҳбарлик қилиш, шунингдек давлатлар томонидан тақдим этиладиган информацияларни анализ қилишдан иборат бўлади. Халқаро контроль органининг инспекторлари контроль қилинадиган барча об'ектларга, чунончи: ҳарбий қисмларга, ҳарбий анжом ва ўқ-дори складларига, қуруқликдаги, ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво базаларига, шунингдек оддий типдаги қурол-яроғ ва ўқ-дори ишлабчиқарадиган заводларга истаган вақтларида мони'сиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар. Шу нарса муҳимдирки, совет таклифларига биноан, контроль органини тузиш ва унинг томонидан жойларда ўз бўлимларини та'сис қилиш, контроль постлари белгилаш ва инспекторларни жой-жойига қўйиш иши барвақт ўтказилади, токи улар битимда кўзда тутилган тадбирларни давлатлар амалга оширабошлаган вақтда ўз вазифаларини бажаришга киришаолсинлар.

Шундай қилиб, қурол-яроғларни камайтириш соҳасидаги ҳамма тадбирлар энг бошданоқ халқаро контроль органининг назорати остида ўтказилади. Контроль органининг ҳуқуқлари ва ваколатлари, шунингдек контроль қилиш формалари битим бўйича амалга оширилаётган тадбирлар блан маҳкам боғланган бўлади.

Оддий қурол-яроғларни камайтириш тадбирларининг амалга оширилиши ва шу муносабат блан давлатлар ўртасида ишонч мустаҳкамланиши натижасида мумкин бўлиб қолган ялпи қуролсизланиш программасини амалга оширган вақтда манфаатдор мамлакатлар контроль методларидан бири сифатида аэрофотосёмкалардан фойдаланиш эҳтимоли масаласини кўриб чиқишлари мумкин.

Европадаги давлатларнинг ҳарбий группалари бир-бирига қарама-қарши турган ҳозирги аҳвол ташвиш туғдирмай қолаолмайди. Совет ҳукумати дун'ёнинг бу районида кескинликни юмшатишга ва хавфсизликни мустаҳкамлашга интилиб, ўз таклифида Европада қурол-яроғларни чеклайдиган ва инспекция қилиб турадиган зона барпо этиш мақсадга мувофиқ эканлигини айтди. Бу зонага Германиянинг ҳар иккала қисми, шунингдек у блан қўшни бўлган давлатлар киритилади. Бу зонада СССР, АҚШ, Англия ва Франция қуролли кучларининг қат'ий миқдорларини белгилаш, шунингдек бу зонада атом ҳарбий қўшилмаларини ва атом ҳамда водород қуролининг бошқа бирон турлари жойлаштирилишига йўл қўймаслик — қуролсизланиш проблемасини ҳал этишда муҳим қадам бўлур эди ва Европа халқларининг манфаатларига жавоб берган бўлур эди. Шуни айтиб ўтиш керакки, бундай зонани тузиш тўғрисидаги совет таклифи Англия бош министри Иден жаноблари томонидан тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женева кенгашида ўртага қўйилган таклифга ўхшайди. Шу сабабдан Англия ҳукумати бу таклифни қўллаб-қувватласа керак деб кутиш ўринлидир.

Совет ҳукумати қуролсизланишга доир асосий масалалар юзасидан битимга келинишидан қат'ий назар, ўз таклифида термоядро қуролини синаб кўришларни дарҳол тўхтатиш, Германия территориясида турган қўшинларнинг атом қуроли блан қуроллантирилишига йўл қўймаслик, давлатларнинг ҳарбий бюджетларини 15 процентгача бўлган миқдорда камайтириш сингари тадбирларни амалга ошириш тўғрисида келишишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Совет Иттифоқи оддий қурол-яроғлар ҳақидаги масалани атом қуроли ҳақидаги масала блан боғлиқ қилиб қўймасликни таклиф этиш блан бирга, атом қуролини та'қиқлаш проблемасининг аҳамиятини асло камситмайди.

Совет ҳукумати атом қуролини сўзсиз та'қиқлашни аввалдагидек ўз ташқи сиёсатининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. Атом қуролини та'қиқлаш, уни давлатларнинг қурол-яроғлари қаторидан чиқариб ташлаш — зўр бериб қуролланиш давом этаётганлиги ва шу жумладан, атом қуроли ишлабчиқариш кучайиб бораётганлиги сабабли янада актуалроқ вазифа бўлиб қолаётир.

Совет таклифи Кичик комитетни юз берган қийин аҳволдан чиқараолади. Чунки, ҳозирги вақтгача, атом қуролини йўқ қилиш ва уни давлатларнинг қурол-яроғлари қаторидан чиқариб ташлаш мумкин эмас деган баҳона блан бутун қуролсизланиш масаласини ҳал этиш, шу блан зўр бериб қуролланишни тўхтатиш иши нома'лум вақтга кечиктириб келинмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, оддий қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш ҳақидаги совет таклифининг қабул қилиниши умуман халқаро аҳволни яхшилашга ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда, айниқса буюк давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишончни мустаҳкамлашга ёрдам берган бўлур эди. Шу блан бирга бу нарса ҳал этилмаган бошқа кўпгина халқаро проблемаларни, шу жумладан атом қуроли проблемасини ҳал этишни енгиллаштирган бўлур эди.

Қуролсизланиш проблемасини тезроқ ҳал этиш йўлини очиб берган совет таклифи Совет ҳукуматининг тинчликни ва халқаро хавфсизликни та'минлаш йўлида изчиллик блан куч-ғайрат сарфлаётганлигини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатади.

А. И. МИКОЯННИНГ КЕЛИШИ МУНОСАБАТИ БЛАН ХАНОЙДА МИТИНГ

ХАНОЙ, 3 апрель. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микояннинг ВДРда бўлиши муносабати блан бугун Ханойда митинг бўлди. Митингда 150 мингдан ортиқ киши қатнашди.

Митинг қатнашчилари ВДР президенти Хо Ши Миннинг ва А. И. Микояннинг трибунага чиқишини қизғин табриклаб ва гулдурос қарсак чалиб кутиб олдилар. Трибунада Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, ВДР Бош Министри ва Ташқи ишлар министри Фам Ван Донг, ВДРнинг давлат арбоблари, жамоатчилик вакиллари бор эди.

Митингда Ханойдаги дипломатия миссияларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Президент Хо Ши Мин митингда нутқ сўзлаб, Ханой аҳли ва вьетнам халқи совет меҳмонларини қувонч блан табрикламоқда деди. У вьетнам ва совет халқлари ўртасида яқин дўстлик алоқалари мавжуддир, деб уқтириб ўтди.

СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микоян жавоб нутқида самимий кутиб олганлиги учун Ханой аҳолисига миннатдорчилик билдирди. У, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати, Вьетнам меҳнаткашлар партияси ва Вьетнам Ватан фронти раҳбарлигида вьетнам халқи ўз мамлакатини тинч демократик воситалар блан бирлаштиришга бўлган орзусини амалга оширади, деб ишонч билдирди.

ФАМ ВАН ДОНГ ҲУЗУРИДА А. И. МИКОЯН ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

ХАНОЙ, 4 апрель. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микоян Вьетнам Демократик Республикасига келганлиги муносабати блан Вьетнам Демократик Республикасининг Бош Министри ва Ташқи ишлар министри Фам Ван Донг кеча катта қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида А. И. Микоян, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, СССРнинг Вьетнам Демократик Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси М. В. Зимянин, Вьетнам Демократик Республикасидаги совет элчихонасининг мас'ул ходимлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Вьетнам томонидан республика президенти Хо Ши Мин, Вьетнам меҳнаткашлар партиясининг бош секретари Чионг Тинь, Вьетнам Демократик Республикаси Бош Министрининг ўринбосари ва миллий мудофаа министри Во Нгуен Зиап, Бош Министрнинг ўринбосари ва Ички ишлар министри Фан Ке Тоай, Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлиси президиумининг раиси Тон Дик Тханг, Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'зоси Хоан Куок Вьет, министрлар, Вьетнам Ватан фронти Марказий Комитетининг а'золари, Миллат мажлисининг депутатлари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Вьетнам ва четэл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Ханойдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, Вьетнамда кузатиш ва контроль қилиш халқаро комиссиялари делегациясининг бошлиқлари ва вакиллари, Хитой Халқ Республикаси Ташқи савдо министрининг ўринбосари Се Сюэ-гун бошчилигидаги ХХР савдо делегациясининг а'золари ҳам ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Фам Ван Донг ва А. И. Микоян нутқ сўзладилар.

Қабул маросими ғоят самимий, дўстона вазиятда ўтди.

БУДАПЕШТДА МАМЛАКАТ ОЗОД ҚИЛИНГАН КУННИНГ 11 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

БУДАПЕШТ, 3 апрель. (ТАСС). Бугун кечқурун Будапештда Венгрия озод қилинган куннинг 11 йиллиги муносабати блан тантанали мажлис бўлди. Бу мажлис Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети, Министрлар Совети ва Ватан халқ фронтининг Бутунвенгрия кенгаши томонидан ташкил қилинди.

Венгрия Халқ Республикаси президиумининг раиси Иштван Доби тантанали мажлисни очиб, халоскор улуғ совет халқига оташин муҳаббат ва ташаккур ҳисларини изҳор қилди.

Венгрия озод қилинган куннинг 11 йиллиги тўғрисида Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг а'зоси Шандор Ногради доклад қилди.

Озод қилинган кунда, деди у, биз энг биринчи ташаккур-миннатдорчилик сўзларимизни совет халқига ва унинг ғолибона армиясига қаратамиз. Мамлакат озод қилингандан буён ўтган давр ичида венгер халқи қўлга киритган катта муваффақиятлар ишчи ва деҳқонлар ҳокимияти халқ куч-ғайратининг ажойиб манбаи эканлигини исботлайди. Мамлакат озод қилингандан кейин ўтган йиллар ичида Венгриянинг саноати ўз ривожида бундан аввалги 100 йил ичида, капиталистлар ҳукмронлиги давом этиб келган ҳамавақт ичида босиб ўтилган йўлга нисбатан икки баравар катта йўлни босиб ўтди. Венгер халқининг турмуш даражасига келганда, шуни э'тиборга олиш керакки, янги Венгрияда ишсизлик аллақачонлар тугатилди, меҳнаткашлар анча катта социал имтиёзлардан фойдаланмоқда. Меҳнаткашларнинг социал-маиший эҳтиёжларини қондириш учун 1956 йилнинг ўзидагина ҳукумат 11 миллиард 500 миллион форинт маблағ ажратдики, бу давлат бюджетининг 27,3 процентини ташкил этади.

Халқимизнинг бузилмас ма'навий ва сиёсий бирлигини деди сўнгра Шандор Ногради, кейинги 11 йил ичидаги энг муҳим муваффақият деб ҳисоблаш керак, бу муваффақият халқ демократик системамизни, давлатимизни кучли ва мустаҳкам қилади.

Биз, деди ўз сўзининг охирида Шандор Ногради, Совет Иттифоқидан бизга озодлик келтиргани ва бизга доимо ёрдам бериб турганлиги учунгина эмас, балки халқаро сиёсат соҳасидаги дадил ва муваффақиятли ташаббуси учун ҳам миннатдормизки, бу ташаббус халқларда тинч яшаш имкониятига ишончни оширмоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг идеялари бизларга катта куч бағишламоқда.

Шандор Ногради ўз сўзининг охирида совет халқи ва унинг доно раҳбари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига, Венгрияда социализм қурилишининг ташкилотчиси Венгрия меҳнаткашлар партияси шарафига, совет ва венгер халқларининг абадий дўстлиги шарафига табрик сўзлари айтди. Бу сўзлар йиғилиш қатнашчилари томонидан гулдурос, давомли қарсаклар блан кутиб олинди.

СОВЕТ ВРАЧЛАРИ КОБИЛГА КЕЛДИ

КОБИЛ, 4 апрель, (ТАСС). Профессорлардан Г. П. Зайцев (делегация бошлиғи), И. И. Сперанский, Т. И. Ерошевский ва В. И. Бодяжина составидаги совет врачлари делегацияси бугун Кобилга келди. Кобил аэродромида меҳмонларни Кобил университети медицина факультети декани доктор Керомуддин ва бошқа медицина арбоблари, Четэллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамиятининг вакили М. А. Богачев, СССР элчихонасининг ходимлари кутиб олдилар.

Доктор Керомуддин совет делегацияси а'золарини самимий табриклади. Совет врачлари Кобилда бўлган вақтларида мамлакатнинг медицина муассасалари блан танишадилар, университет медицина факультетининг студентлари ва ўқитувчилари учун бирқанча лекциялар ўқийдилар.

СОВЕТ ЭНЕРГЕТИКЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ АНГЛИЯДА БЎЛИШИ

ЛОНДОН, 4 апрель. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари, Электростанциялар министри Г. М. Маленков бошчилигидаги совет энергетиклари делегацияси бугун марказий диспетчерлик пунктига бориб, Англияни электр қуввати блан та'минлаш системасини бошқариш методлари блан танишди.

Делегатлар Лондоннинг ерости почта йўллари системаси блан ҳам танишдилар. Ерости почта йўллари шаҳарнинг ҳамма районларига почтани тез ва тўхтатмай етказиб бериш имкониятини туғдиради.

Лондон районини электр қуввати блан та'минлаш масалалари бошқармаси совет делегацияси шарафига зиёфат берди, бу зиёфатда Лондон лорд-мэри Экройд жаноблари, Лондон районини электр қуввати блан та'минлаш масалалари бошқармасининг раиси Рэндалл жаноблари ва Г. М. Маленков нутқ сўзладилар.

Кечга яқин делегация а'золари мамлакатнинг энг яхши концерт зали бўлган Ройял фестиваль—холлни бориб кўрдилар. Зал архитектори Ж. Х. Марти меҳмонларни залнинг конструкцияси блан таништирди. Бу залда саҳнадаги овоз унинг ҳамма жойида жуда яхши эшитилади.

Сўнгра делегатлар Лондон графлиги Советига бордилар. Совет раиси Причард жаноблари меҳмонларни табриклади ва Лондон аҳолиси номидан бутун совет халқига салом айтишни илтимос қилди. Г. М. Маленков лондонлиларнинг энг яхши истакларини совет кишиларига топшираман, деб Причард жанобларига ва'да қилди.

АЛБАНИЯ ХАЛҚ МАЖЛИСИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

ТИРАНА, 4 апрель. (ТАСС). 2 апрельдан 4 апрельгача Тиранада Албания Халқ Республикаси Халқ мажлисининг учинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессиянинг кун тартибида қуйидаги масалалар бор эди: 1) Албания Халқ Республикасининг 1956 йилги давлат бюджети тўғрисидаги қонун проекти; 2) Албания Халқ Республикаси меҳнат қонунларининг проекти; 3) Албания Халқ Республикаси Халқ мажлиси президиумининг фармонларини тасдиқлаш; 4) парламент делегациялари айирбошлаш тўғрисида.

Республиканинг 1956 йилги давлат бюджети тўғрисида молия министри Абдул Келлези доклад қилди.

Музокаралардан кейин сессия таклиф этилган бюджетни бир овоздан тасдиқлади.

Кечаги мажлисда Албания Халқ Республикасининг меҳнат кодекси тасдиқланди.

Сессияда Министрлар советининг раиси Меҳмет Шеху сўзлаб, мамлакатнинг социалистик қурилиш соҳасида эришган муваффақиятлари ҳақида гапирди ҳамда КПСС XX с'ездининг якунлари ва аҳамиятига тўхталиб ўтди.

Халқ мажлисининг 4 апрельдаги мажлисида Халқ мажлисининг раиси Гого Нуши парламент делегациялари айирбошлаш тўғрисида доклад қилди.

Халқ мажлиси Албаниянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинганлиги тўғрисидаги резолюцияни ма'қуллади.

Шу блан Албания Халқ Республикаси Халқ мажлисининг сессияси ўз ишини тамомлади.

АЛБАНИЯНИНГ ҚОР БЎРОНЛАРИДАН ЗАРАР КЎРГАН АҲОЛИСИГА СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЁРДАМИ

ТИРАНА, 4 апрель (ТАСС). СССР Қизил Крест ва Қизил Яримой жамиятлари Союзининг Ижроия комитети Албаниянинг қор бўронларидан зарар кўрган аҳолисига ёрдам бермоқ учун Албания Қизил Крести ихтиёрига 40 минг сўм ажратди.

Албания Халқ Республикаси Қизил Крестининг Президиуми бу ёрдам учун СССР Қизил Крест ва Қизил Яримой жамиятлари Союзининг Ижроия комитетига қизғин миннатдорчилик билдирди.

ҲИНДИСТОН — ПОЛЬША САВДО БИТИМИ

ДЕҲЛИ, 4 апрель, (ТАСС). Кеча Деҳлида Ҳиндистон блан Польша ўртасида савдо битими имзоланди. Бу битим Ҳиндистон ҳукумати вакиллари блан Польша Халқ Республикаси ташқи савдо министрлиги савдо алоқалари департаментининг директори А. Болинский бошчилигидаги Польша савдо делегацияси ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида имзоланди. Шу йил 1 апрельда кучга кирган битим 1959 йил 31 декабрьгача давом этади ва иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни янада кенгайтиришни ҳамда мустаҳкамлашни, шунингдек илмий ва техника ҳамкорлигини кенгайтиришни кўзда тутади.

Иккала мамлакат ўртасидаги ҳисоб китоб ишлари ҳинд рупияси ҳисоби блан юргизилади.

Ҳиндистон Польшага темир ва марганец рудаси, шеллак, чой, кофэ, тамаки, пахта, жут, жун, ип-газлама, кустарчилик буюмлари ва бошқа молларни етказиб беради. Польша Ҳиндистонга кемалар, машиналар, паровоз ва вагонлар, электр асбоблари, цемент, пўлат ва бошқа моллар етказиб беради.

СССР ДЕЛЕГАЦИЯСИ БМТ ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯСИНИНГ XI СЕССИЯСИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ЖЕНЕВАГА КЕЛДИ.

ЖЕНЕВА, 4 апрель (ТАСС). СССР Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов бошчилигидаги совет делегациясининг а'золари БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг XI сессиясида қатнашмоқ учун Женевага келдилар.

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети Тошкент шаҳридаги корхона, ташкилот ва муассасаларга ҳамда барча гражданларга ма'лум қиладики, шаҳар ижроия комитети ва барча район ижроия комитетлари шу йил 5 апрельдан бошлаб эрталаб соат 9 дан кечки соат 6 гача ишлайди. Овқатланиш вақти кундуз 1 дан 2 гача давом этади.

Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/IV да **Бой ила хизматчи**, 7/IV да **Чин муҳаббат.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/IV да **Чио Чио-Сан**, 7/IV **Опера ва балет кечаси.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/IV да **Сурмахон.**

БУГУН КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ЁШ ГВАРДИЯ» (кечқурун), «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун) — янги бадиий фильм **Отелло.**

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз) — **Икки капитан.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Бугун ва ҳар куни

янги программада

Катта цирк томошалари

«ЧАРХПАЛАК АВТОМАШИНА» АТТРАКЦИОНИ.

Артистлардан **Элеонора** ва **Виктор Вашченколар** ижро этади.

Томоша кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

6 апрельда

КОНЦЕРТ

Концертда: Ўзбекистон халқ ҳофизи **Ортиқхўжа Имомхўжаев**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Эргашхон Мирмаҳмудова**, **Убайдулла Мадраҳимов**, **Комилжон Жабборов**, эстрада солистлари **Назрулла Ёқубов**, **Одилжон Мирзақулов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 03707. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр, № 1409.